Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
38 сон
22 — 28 сентябр, 2005 йил

СИЗ ДУОЛАР ҚИЛСАНГИЗ...

- Эгамназар ота, ортда қолган умрингиздан розимисиз? - деб сўрадим мен табаррук 70 ёшни қаршилаш арафасида турган Эгамназар ота Қодировдан.

- Бўлмасам-чи! Мен аслида умр бўйи, ҳар бир ўтган кунларимни сарҳисоб қилиб яшаганман. Ҳатто, лаҳзалардан унумли фойдаландим. Чунки, саккиз нафар фарзандини ерга берган дардли-ҳасратли онамнинг ёлғизи, ишонган тоғи эдим. Оилавий ишлар менинг зиммамда бўлар, яна ишга, ўқишга боришга ҳам улгуришим керак эди.

- Ҳам ишлаб, ҳам ўқиганмисиз?

- Тақдир тақозоси билан, 8-синфни битиргач, Тошкентдаги каравот заводига ишга кирдим. Ёшлигимдан мустақил, ўзимга талабчан ва масъулиятни ҳис этадиган ишчи эдим. Сўнг тунги директор даражасига етдим. Шу заводдаги 17 йиллик иш фаолиятим давомида икки марта депутат бўлиб сайландим. Ўша пайтларда Сора опа Эшонтўраева билан танишганман. Бир гал у қайси институтни битирганим ҳақида сўраб қолди. Хижолат бўлиб, 8-синфни битирганимни айтдим. Сора опа: "Эгамназар ука, албатта ўқишингиз керак. Эзгуликнинг кечи йўқ! -истасангиз мен ёрдам берай", - деди. Шу суҳбатимиз сабаб бўлдими, 30 ёшимда кечки мактабни тугатдим. Сўнг ТошДУнинг тарих факультетига ўқишга кирдим. Институтни битиргач яхши лавозимларда ишладим. Қаерда бўлмасин ҳурматга сазовор бўлдим.

- Қайси ишларингиздан кўнглингиз тўлгану, қайси биридан тўлмаган?

- Мақтаниш эмасу, ҳамма ишимни кўнглимдагидек бажарганман. Шукр, афсусланадиган иш қилмадим. Юнусобод туманидаги "Астробод", "Ўзбекистон мустақиллиги" маҳаллаларини ташкил қилдим. "Ўзбекистон мустақиллиги" маҳалласи фаоллари билан бирга 1 гектар ташландиқ ерни ўзлаштириб, дарахтлар экиб, боғ ташкил қилдик. Гузар қурилди. Биринчи бўлиб кўп қаватли уйларда маҳаллалар ташкил этдик. "Эл-юрт ҳурмати" ордени ва "Маҳалла жонкуяри" медали билан тақдирландим.

- Эгамназар ота, саккиз нафар қизингиз бор экан...

- Оллоҳга шукр! Беш нафардан ортиқ қиз тарбиялаган оналарни ҳам, оталарни ҳам жаннати инсонлар, дейишар экан.

Қизи бор уйга фаришталар ёғилади, дейишгани рост. Уларни уриш, сўкиш мумкин эмас. Айниқса, қизлар узатиларкан ота уйидан яхши дуолар билан узатилиши керак. Қарғиш олган фарзанд бахтли бўлмайди. Илоё, ҳар кимнинг қизи борган жойида тинсин, шу хонадонга сингишиб кетсин. Қизларимни узата туриб: "Болам, энди биз эмас, борган жойингдаги қайнона-қайнотанг ҳақиқий ота-онанг. Шуларнинг ҳурматини қозонсанг, бизни рози қилган бўласан!" - деб кузатганман. Ҳозир 14 нафар набирам бор.

- Онангизнинг қандай насиҳатларини кўп эслайсиз?

- Онам раҳматлик: "Сен ёлғиз ўсдинг, илоё, ували-жували бўлгин. Элу юрт эътиборида, пошшолар билан юргин! Умринг узоқ бўлсин! Мен бора олмаган Ҳаж сафарига сен боргин!" - дея дуо қиларканлар, ҳар гал йиғлардилар.

- Дуо билан эл кўкарар, деганлари рост.Тилим билан дилим бир бўлди. Бировнинг ҳақини емадим, дилини оғритмадим. Бош бўлган маҳаллам обод бўлди. Ҳаж сафарига биринчилардан бўлиб бордим. Юнусобод бозори, Шаҳидлар хотираси майдони, Амир Темур, А.Навоий ҳайкалларини очилиш маросимида, шунингдек, яна кўп жойларда муҳтарам юртбошимиз билан ёнма-ён турдим, суҳбатларини олдим. Бахт дегани шу бўлса, минг чандон бахтлиман. Бошқаларга ҳам шуни тилаб дуо қиламан.

- Дуо қилинг отажон! Сиз дуолар қилсангиз, фарзандларимиз тинч ва соғлом улғаяди. Юртимиз тинч, фаровон ва кунларимиз нурга йўғрилади!

Басира САЙДАЛИЕВА.

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

Нима? Қачон? Қаерда?

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат Акционерлик Компанияси ҳамкорлигида "Сиҳат-саломатлик йили" Дастури доирасида Урганч-Навоий-Нукус йўналишида Мурувват поезди ташкил этилди. Мурувват поезди энг чекка ҳудудлардаги аҳолига тиббий-ижтимоий патронаж хизмати кўрсатади.

Тиббий-ижтимоий патронаж бригада вакиллари фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказадилар, беморларга мурувват ёрдами кўрсатадилар. "Соғлом авлод" жамғармасининг минтақавий филиаллари "Автоамбуланс"лари чет ҳудудларда бўлиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини тиббий кўрикдан ўтказиб, мурувват ёрдамларини топширадилар. Шунингдек, ногиронлар, боқувчисиз қолган ва кўп болали оилалар, болалар ва ўсмирлар малакали шифокорлар томонидан текширилиб, ташхис қўйилади. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, тиббий маслаҳатлар ҳам берилади. Зарурият туғилса, касали аниқланган беморлар жойлардаги шифохоналар ва Тошкент шаҳридаги даволаш муассасаларига даволаниш учун юборилади.

АЁЛЛАР ФАОЛЛАШСА...

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ўқув-машғулотларини ўтказиб келмоқда. Машғулотлар ҳар бир ҳудуддаги аёллар ташкилотларининг ўзига хос жиҳатлари, улар дуч келаётган муаммо ва камчиликларни ҳисобга олган ҳолда ўтказмоқда. Бу галги семинар ва давра суҳбатига Қорақалпоғистон ҳамда Хоразм вилояти туман ва шаҳарларининг хотин-қизлар қўмиталари раҳбарлари таклиф этилди.

Тингловчилар учун Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк ва бошқа ташкилот ҳамда муассасалар, вазирликлар мутасаддилари иштирокида очиқ мулоқотлар, ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда.

АТРОФ-МУҲИТ ЗАҲАРЛАНМАСИН

Чорак асрдирки, Тожикистон алюминий заводи сабаб атроф-муҳитга тарқалаётган зарарли ва заҳарли қуйқалар таъсирида одамлар азият чекмоқдалар. Ўтган вақт ичида Денов, Сариосиё ва Узун туманлари аҳолисининг аксарият қисми бўқоқ, камқонлик ва суяк касаллиги билан хасталангани аниқланган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шу оғриқли масала хусусида гап борди.

1982-1989 йилларда завод атроф-муҳитга ҳар йили 40 минг тонна заҳарли модда, шу жумладан, 300-400 тонна фторли водород чиқарган. Оқибатда унинг атроф ҳудудларида вақти-вақти билан фторли водороднинг ҳаводаги миқдори меъёридан 6-8 баробар ошиб кетгани қайд этилган. Мутахассислар бир миқдор фторли водород ерга тушгудек бўлса, ўша ерда ҳаёт тугайди, ҳатто ҳашаротлар қирилиб кетади, ўсимликлар эса умуман унмайди, дейишмоқда. "Русалюминий", (РУСАЛ) компанияси Тожикистон алюминий заводи қувватини оширишни ва шу республиканинг Хатлон вилоятида яна бир алюминий заводини қуришни режалаштираётгани ташвишли ҳолдир.

Анжуманда ана шундай муаммолар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар баён этилди.

Ўз мухбиримиз.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Марҳамат тумани қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежида «Репродуктив саломатлик асослари» мавзуида семинар ўтказилди.

Мазкур тадбирда вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг раислари, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш йўлида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари, ҳамда, талабалар иштирок этди.

Бу семинарнинг коллежлар талабалари ўртасида ўтказилиши бежиз эмас албатта. Зеро, бугунги талаба келажакда уй бекаси, фарзандлар онаси, авлод тарбиячиси экани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам ёшларимизнинг репродуктив саломатлигининг мазмун моҳиятини қанчалик теран англашса келажак авлод соғломлиги шунчалик таъминланади.

Семинар иштирокчиларига мавзу бўйича олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди ва уларни амалга ошириш борасидаги тавсиялар берилди.

«Туркистон-пресс»

БОЛА ТАРБИЯЛАШ САВОБ ИШ...

Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани, 525-сон "Юлдузча" мактабгача таълим муассасаси мураббияси Наргиза Мирзиятова бирор-бир кунини ҳам болаларсиз тасаввур қила олмайди. Наргизахоннинг ўзи ҳам икки фарзанднинг онаси, қайнона-қайнотасининг дилкаш келинидир. Гарчи у ўзи тарбиялаётган болажонларни севса-да, уларга анча талабчан ҳам. Шу боис боғчада ўтказиладиган ҳар бир байрам тадбирларида унинг гуруҳидаги болалар зукколиги, чаққонлиги билан ажралиб туришади. Унинг гуруҳида тарбияланиб, мактабга борган болаларнинг ҳаммаси аъло баҳоларга ўқишмоқда. Тез-тез келиб, севимли боғча опаларини кўриб кетишади. Меҳрибон тарбиячидан барча ота-оналар жуда хурсанд ва миннатдор.

Боғчага янги келган, ўта инжиқ болалар ҳам тезда Наргизага ўрганиб, унинг ортидан қолмай юришади. Шу йил туман миқёсида ўтказилган боғча тарбиячиларининг "Йил тарбиячиси" танловида Наргиза биринчи ўрин соҳибаси бўлди. Шаҳар бўйича тарбиячилар ўртасида бўлиб ўтган танловда 2-ўринни олиб "Изланувчан тарбиячи" кўкрак ленташи билан тақдирланди.

Боғча мудираси Шаҳноза Мирзоҳидовна шундай дейди:

- Энг муҳими болаларнинг кўнглига йўл топа билишдир. Бола халқи зийрак, ишонувчан ва беғубор бўлади. Боғчада олган билимлари муҳрлангандек миясида қолади. Наргиза қизимиз эса болаларнинг ҳар биридаги истеъдодни тез пайқайди. Наргиза бизнинг жамоамизда ишлаётганидан хурсандмиз.

Яқинда юртимизда "Устоз ва мураббия"лар куни нишонланади. Ёш авлодни сидқидилдан тарбиялаётган Наргиза Мирзиятова ва унинг касбдошларини шу байрам билан қутлаймиз.

Болаларни меҳр билан тарбиялашдек савобли ишларингизда сира толманглар!

Гўзаля БЕКБЎЛАТОВА, Тошкент шаҳри.

ЮРТ, ДЕЯ ЮЗГА КИРИНГ!

Эрта тонгда Қашқадарё вилоят ҳокимлигига борсам, ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Инобатхон Каримова эндигина Нишон тумани пахта далаларини айланиб келган ва кундаги ишларини режалаштираётган экан.

- "Тўра-фермер" хўжалигида бўлдим. Пахталар чаман очилибди,-дейди Инобатхон. — Хўжаликда 100 дан ошиқ аёл иш билан таъминланган. Колледж талабалари ҳам ҳосилни йиғишга ёрдамга чиқишган. Уларнинг яшаш шароитларидан хабар олдим. Ахир теримчи қизларимиз - бўлажак она эканлигини унутмаслигимиз керак-да. Меҳнат ҳақи ўша жойнинг ўзида тўланаяпти. Тўрабек Раҳмонов вилоятда биринчилардан пахта планини бажарган фермерларимиздан.

Ҳар бир туманнинг ўз муҳити, иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, фаолларимиз, маслаҳатчиларимиз иш юритишаяпти,- **дея сўзида давом этади Инобатхон Каримова.** - Шаҳрисабз азалдан маданият ўчоғи бўлгани учун ҳам кўҳна ва замонавий ҳунармандчилик кенг қулоч ёйган. Ҳалвопазлик, новвойлик, каштачилик, кулолчилик, чеварчилик дегандай... Шаҳрисабз туман ҳокими муовини Шаҳодат Аслонова бошчилигида ҳар икки хонадоннинг бирида якка тартибдаги тадбиркор аёлларимиз 10 дан ошиқ қизларни иш билан таъминлашган. Шаҳрисабзлик тадбиркор Баҳодиржон Аликулов 2 қаватли биносини "Иффатли келин" ўқув маркази филиалига бериб, иш юритувчи Барнохон Каримова билан 500 қизнинг ҳунарли бўлишига сабаб бўлишаяпти.

Маслаҳатчиларимизнинг ҳар бирига махсус хона, жиҳоз, алоқа тизими муҳайё қилинган. Обрўли дунёвий ва замонавий илмдан хабардор опаламиз фидоийларча фаолият кўрсатишаяпти. Ғузор тумани Амир Темур маҳалласи маслаҳатчиси кам таъминланган оила ўғилчаси тўйини шундай чиройли қилиб ташкил қилдики, кўриб ҳавасимиз келди. Бир ҳомий қўй ҳадя этибди. Маҳалла жамғармасидан ҳам анчагина маблағ ажратишибди. Ўзимиз болага чопонча, сарпо-суруғ қилиб тўйда қатнашдик. Она-боланинг қувонганини кўрсангиз! "Бир кўнгил иморати - минг Макка зиёрати", дейишган-ку, ахир! Мана маслаҳатчининг битта иши...

Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниевнинг ташаббуслари билан Ғузор тумани ҳокими Шомурод Донаев мустақиллик куни олдидан вилоятнинг барча туманларидан 10 нафардан маслаҳатчиларни ва хотин-қизлар қўмиталари фаолларини йиғиб, чиройли тадбир ўтказди. Ҳарбий қисмларда катта ҳаётга қадам қўяётган йигитлар билан эса никоҳ, тиббий маданият, оилани бошқариш мавзуларида суҳбатлашишни доимий анъанага айлантирганмиз.

Шундан сўнг биз, Инобатхон Каримова билан туманларга йўл одик.

Нишон тумани ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Озодахон Жўраева:

- Ерни парваришлаб, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам ҳаётига файз киритаётган хотин-қизларимиз талайгина. Икки хотин-қизимизнинг лойиҳаси чет эл грантига ўтди. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 6 нафар дугонамизга туман Пахта банкидан 11 млн. 200 минг сўм кредит берилди. 6 ой давомида касаначилик билан шуғулланадиганлар сони 78 га етди. Жумладан Нишон ҚФЙ, Самарқанд, Каптарали ва Пахтаобод МФЙларида иш яхши йўлга қўйилган. Шунга кўра, 492 хотин-қиз иш билан таъминланди.

Айрим раҳбар хотин-қизларимиз ҳам ғайратига яраша тадбиркорликка қўл уришган. Масалан: ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Фароғатхон Бузрукова, почта хизмати кўрсатиш бўлимидан Роза опа Раҳмонова, кредит уюшмаси раҳбари Гулсара Ҳалимова ҳам тадбиркор, ҳам фермер. Шоира Фармоннованинг хусусий шифохонаси бор. Фермер Майна Қурбонова 10 гектар ер олиб, ғалла ва пахта экдилар.

Тумандаги 25 маҳаллада 19 нафар маслаҳатчи одамлар хизматида "куйиб-пишиб" юришибди. 3 нафар тажрибали, ёши улуғ маслаҳатчиларни - "таянч маслаҳатчи" қилиб тайинлаганмиз. Улар вақти-вақти билан маҳаллаларга бориб, муаммоларнинг ечимини топишда ўз ёрдамларини аямайдилар.

Қарши тумани ҳоким муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилоромхон Каримова:

- Аёл ишласа, оила бюджетига ўз ҳиссасини қўшса, қадри ҳам баланд бўлади. Шунинг учун кам таъминланган оилалар қизларини тадбиркорларга бириктириб қўйдик. Қизларимиз бугун яхши ҳунарвон-тадбиркор бўлиб кетишган. Уларга давлатдан кредит олиб бериб, ишларини ташкил қилишларига ёрдам бердик. Нукраобод маҳалласидаги Маҳбуба Турсуновага паррандачилик билан шуғулланишига кўмаклашдик. Бугун у 20 нафар аёлни иш билан таъминлаб, соҳанинг "пири" бўлиб кетган. Ўзим ҳам ҳосил йиғими даврида турмуш ўртоғим билан уйимда тикувчилик цехи очиб, 30 га яқин опа-сингилларимизни "этак" (фартук) тикишга жалб қилдик. Шу йўсинда аёлларга амалий намуна кўрсатишга ҳаракат қилаяпман. Натижаси ёмон эмас. 100 га яқин якка тартибдаги тадбиркорларимиз ишларини йўлга қўйишди. 60 дан ортиқ фермер аёлларимиз бор. Собир Раҳимов хўжалигида мустақиллик билан баравар иш бошлаган 70 ёшли фермер опамиз Хуморхон Муродовага ҳамма ҳавас қилади.

Маслаҳатчиларимиз ҳар ҳафта ҳокимликда мутахассислар сабоқларидан бахраманд бўладилар. Отиной илар бўлса диний илмни пухта эгаллаш учун масжид имоми машғулотларига қатнайдилар. Бошқарувчи саводхон бўлмаса, эл назаридан, ишончидан қолиши табиий. Маслаҳатчи ҳам ўз ҳудудининг ҳокими, сиёсий етакчиси бўлиши керак.

Ғузор тумани ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбархон Хўжакулова бир гуруҳ маслаҳатчи билан қизғин суҳбат қураётган экан.

- Маслаҳатчилар - бизнинг қанотимиз. 80 минг хотин-қизнинг дарди-ю, қувончини зиммага олиш, албатта осонмас. Иложи борича маҳаллаларга бориб, хонадонларга кириб чиқамиз. Бир хонадонга кирсак, рангпаргина аёл 4 нафар кўзи ожиз фарзанди билан яшаркан. Уйлари «тўкилиб», ҳаволлари анча хароб бўлиб қолибди. Эри ҳам ногирон туғилган болаларини ташлаб кетиб қолган экан. Аёлдан "Нима ёрдам керак?" деб сўрасак, "Раҳмат, ҳолимни сўраганларингнинг ўзи кифоя, бошим кўкка етди. Давлатдан нафақа олиб турибмиз", - дейди. Унинг ҳокисорлигига ҳайрон қолдим. Дарҳол ҳашар йўли билан уйини таъмирлаб, томини ёптириб бердик. Энди катта ўғлини уйлантириб қўймоқчимиз...

Ҳар шанба кўнгилочар тадбир уюштириб, унга кам таъминланган аёлларни чақирамиз. Шундай хурсанд бўлишадики... Ёзувчи Д. Саидова айтганидек, инсон ўз тақдирининг ҳокими бўлиши керак-да...

Мана бу маслаҳатчимиз - Собир Раҳимов маҳалласи фуқаролар йиғинининг 30 йиллик "ўз келини" - Зуҳра Муродова, - **дея ёнидаги аёллардан бирини кўрсатди Дилбархон.** - Маҳалласида ҳар қандай хонадон аъзосини "беш қўлдай" билади. Ҳатто бутун маҳалла аёлларига қайнонасининг номи кетган "улкан нон" тайёрлаш усулини ўргатиб чиққан. Ўрни келса, кексаларнинг кир ювиб кетаверади. Аммо унинг ўткир нигоҳидан баъзи бесаришта хотинлар ҳайиқиши рост, қаттиқ уялтиради-да. Маслаҳатчи лавозими берилгандан буён фуқаролар йиғинида ўзига алоҳида хона, иш жиҳозлари, телефон берилган. Республика маҳалла жамғармаси томонидан телевизор билан тақдирланди.

- Бу маслаҳатчимиз - Наврўз маҳалласи фуқаролар йиғинидан Улуғзи Қобилова бўладилар,-**яна бир аёлнинг кифтини қоқди суҳбатдошимиз.** - Ақидапарастликка қарши ишларини оммалаштирса бўлади. Улуғзи фаол аёллар билан биргаликда саҳналаштирган "Сўнгги пушаймон" деб номланган томошада диний оқимларга адашиб кириб қолган йигит фожеаси тасвирланган. Маслаҳатчиларимизнинг ҳаммаси ҳам вазифа ва мажбуриятларини яхши билишади. Энди ниятимиз—уларни компьютерлар билан таъминлаш...

* * *

Қашқадарёлик опа-сингилларимизнинг иши билан танишарканман, "Юртни дедим, юзга кирдим", деган ҳикмат ёдимга тушди. Юртнинг бу фидоий аёлларига узоқ умр ва омад ёр бўлсин...

Санобар ФАХРИДДИНОВА

ИХЛОС

Тадбиркорлик давр талаби

Қайнонам 25 ёшда тул қолган. Кўп қийинчилик билан фарзанд ўстириб, элга қўшган аёл эканлар. Жуда ҳалол, ростгўй инсон эдилар (охиратлари обод бўлсин). "Меҳнатдан ҳеч ким хор бўлмаган. Бировни алдамасанггина худо ярлақайди..." дердилар. Ҳақиқатдан ҳам ишдан қочмадим. Ҳ. Олимжон савхозидан нафақага чиқдим. Эримнинг анча тоблари бўлмай қолди. 7 фарзандим билан 5 гектар ер олиб, буғдой экдик. 1998 йилда ерни 10 гектарга кенгайтирдик. 2 гектарга буғдой, 5 гектарга пахта, 3 гектарга маккажухори экдик. Даромадимиздан трактор сотиб олдик, кичик тегирмончи қурдик. Ишимизнинг унумини кўриб, ширкат хўжалигидан яна 10 гектар ер қўшиб беришди. Ниятларимиз ёруғ. Гектаридан 45 ц. пахта олмоқчимиз. Маҳалламизда 42 хонадон бор. Ҳар бир оилада 2-3 нафардан қиз бола вояга етаяпти. Уларни иш билан таъминлаш учун тикувчилик цехи, сартарошлик уйи очмоқчимиз...

Кўп йиллардан буён туман кенгаши аъзосиман. Бу йил вилоят кенгашига депутат бўлдим. Меҳнатимнинг орқасидан ҳукуматимизнинг "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. Бу кун туман тадбиркор аёллар уюшмаси аъзоси ва фуқаролар йиғинида маслаҳатчиман. Бирор хонадонда бесаранжомлик сезилса, ўша оилага бориб, қайнонамнинг ўгитларини уларга қайтараман. Қайнонам доим менинг оғиримни енгил, ёмонимни яхши қилиб, ўғилларининг олдида қадримни баланд қилардилар. Хўжайиним уйда бўлмаган пайтларида эса хатойимни ётиғи билан ўзимга тушунтирардилар. Бошқарувчи доно бўлса, етагидагилар ҳам уялтирмайдиган бўлиб чиқишаркан.

Конимех "Жаҳон" фермер хўжалиги бошлиғи Хосият опа Исоқованинг ҳикояларини тинглар эканман, туман ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Кунсулув Нормуродованинг гапини эсладим: "Опа ниҳоятда саховатпеша. 1 сўм топса яримини савобга сарфлайди. Ҳосил кўтарганда кам таъминлаган оилаларга 100 кг буғдой, ногирон болаларга 25 кг дан ун, мактабларга ўқув қуроллари тарқатиб чиқади. Билган гапи: "Дарёга яхшилик қилсанг, ажрини биёбондан топасан".

Ҳа, Хосият опанинг ишлари унинг ҳаётидан андоза, десак муболаға бўлмас.

САНОБАР

- Бир қўллаб эксанг, икки қўллаб йиғасан, дейишади қадимгилар,-дея гап бошлади Хосият опа Исоқова. - 44 йилдан буён даладаман. Отам (раҳматлик) бригадир эдилар. Онамнинг (исми Хурлико эди). Магазинда ишлардилар. Шунинг натижасими, ёшлигимда далада ишлашни, ҳисоб-китобни яхши кўрардим. 18 ёшимда турмушга чиқдим.

БЕНЗИН нега оқиб кетди?

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.



- Наима опа, машинангиздан нимадир сизиб чиқаяпти. Боринг, қараб кўринг! - ҳаяжон билан ҳовлига чопиб кирган Нилуфар совуқ хабар олиб кирди.

- Кўрдим сингилжон, машинамдан бензин сизиб чиқаяпти. Мутахассисга кўрсатишим керак. Ҳозир вақтим зиқроқ, кейинги ҳафталарда бораман.

Пойтахтимизнинг нуфузли олийгоҳларининг бирида таҳсил олаётган Наима ҳам, барча ёшларимиз каби автомобилсиз кунини тасаввур қила олмай қолган. Борадиган жойига бир зумда етиб борса, қанча вақтини тежаб қолади. Тошкент Давлат юридик институтида ўқиб, иш тажрибасини ўрганиш учун бўш вақтида нотариал идорада ишлайди. Курсдошлари орасида ҳулқи, ўқиши, ишчанлиги билан ажралиб туради. Ҳурмати баланд. Ўзбек, рус, инглиз тилларини мукаммал билса-да, яқинда япон тилига ҳам қизиқиши ортди. Хуллас, Наиманинг «маршрути» — уй, ўқиш, иш, тиллар ўрганиш курсларига ғир этиб олиб боришдан иборат. Шунинг учун қўшимча ишларга, хоҳиш-истаги бўлса-да, ҳечам вақти йўқ.

Ўша куни Наима одатдагидай ўқишига борди. Дарслардан сўнг, шошилиб машинасини оча бошлади. Унинг курсдоши Отабек:

- Наима, бензининг оқиб кетибди-ку, қарамайсанми? - дея жиддий танбеҳ берди.

- Аввалига синглим, энди сен ақл ўргатаяпсанми? Вақтим йўқ бўлса нима қилишим керак? Бу муаммони кейинги ҳафталарда ҳал қиламан.

- Лекин бу иш ҳеч қанча вақт олмайди. Қара, бензин билан ҳазиллашиб бўлмайди. Ёдингда тутгин, кейинги пушаймон, ўзингга душман!..

Иши кўп Наима: «Ҳамма ақллилар атрофимга йиғилиб олган-да», - дея жаҳл қилиб, нотариал идорага кетди. Идора бошлиғи, иш ўргатувчиси ва уч-тўрт нафар киши кўчада сигарет тутатиб турган эканлар. Машинасини уларнинг ёнгинасига тўхтатиб, шошиб идорага кириб кетди. Орқасидан ҳамкасблари ҳавас ила қараб қолишди. Иш вақти тамом бўлаёзганида бошлиқ ўз хонасига иш ўргатувчини чақиртириб:

- Жуда ғайратли қиз экан, ишни уддалаяпти, берилган топшириқларни аниқ бажариб келмоқда. Бирга ишлаётган ҳамкасабалари ҳам Наимага ўрганиб қолишди. Ўқишни тамомлаганидан сўнг, ўзимизга келиб ишласа, қандай бўларкин,- деган фикрни билдирди.

Иш ўргатувчи уйга кетиш учун машинага чиқаётган Наимага бу хабарни етказди. Наима қувончи ичига сиғмай, бошлиғининг таклифини ўйлар экан, бир йигит сигарета чекиб унинг машинасига яқинлашаётганини ойнасидан кўрди. Йигит шундоққина машина ёнига яқинлашиб келганида, ўчмай қолган сигарета қолдиғини ерга ташлади. Шу онда шунақанги портлаш юзага келдики, идоранинг биринчи қаватидаги барча ойналар чилпарчин бўлди. Машинанинг ёнига яқинлашиб бўлмасди. Ҳозиргина сигарета ташлаган йўловчи йигит қорнидан қон оқаётганига қарамай, титроқ қўллари билан олов қаърига кириб, Наимани машинанинг синиб кетган ойнасидан чиқара бошлади. Бир неча сониядa содир бўлган ушбу ҳодиса ҳаммани донг қотирди. Ҳаммaнинг эътибори даҳшатли ёнаётган алангага айланган машинада, ўлим билан олишиб қизни қутқараётган йигитда эди. Ҳозиргина ўзининг шогирдини ишга таклиф этаётган бошлиқ дарҳол «01» орқали ёнғин ўчирувчиларни чақирди ва чопганича ёрдамга шошилди. Кимдир челакда сув сепган, кимдир «тез ёрдам»ни чақирган, кимдир эса ўзи жиддий тан жароҳати олиб ерда ётган...

Тўрт дақиқада етиб келган, ўз ишининг устаси бўлган ёнғин ўчирувчилари дарҳол нима бўлганлигини тушундилар ва оловда қолганларни қутқарди. Қиз ва йигит жуда оғир аҳволда. Уларни биргаликда шаҳримиздаги Республика куйганлар марказига жойладилар. Наимани олдинда узоқ даво, шифо, чидам ва бардош кутмоқда. Портлаш оқибатида турли жароҳат олганлар ҳам ўз вақтида шифохонага юборилдилар...

Бугунги кунни автомобилсиз тасаввур этолмаймиз. Бир зумда узоқни яқин қилаётган автомобилларнинг тури ҳам кўпайиб кетди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган «Тико», «Матиз», «Нексия», "Дамас"лар кўчаларимизни тўлдириб, кўзни қувнатади. Аёлларимиз эса эркакларимиздан ҳеч ҳам қолишмай, бараварига "темир тулпорни" бошқариб юришмоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта. Лекин автомобилни ўз вақтида кўрикдан ўтказиш, бензобакларини доимий равишда текширириш, электр симларининг тўғри жойлаштирилганлиги, бирламчи ёнғин ўчириш воситаси билан таъминланганлиги ҳақида ҳам қайғуриш лозимдир.

Барча ишда ақл керак. Бепарволик кўнгилсиз натижага олиб келиши ҳаммага маълум. Лекин, айрим шахслар бунга унчалик аҳамият бергилари келмайди. Афсуски, ҳаётимизда ёнғинлар содир этилади. Ҳар бир ёнғин ортида инсон ҳаёти турибди. Ушбу кулфатнинг асорати эса бир умрга танангда эслатиб туради. Ёнғин нафақат турар-жой биноларда, очиқ майдонларда, кўчаларда, балки транспортларда ҳам содир этилади. Ўз-ўзидан савол туғилади: Қай тарзда ва қандай сабабларга кўра?

Транспорт ҳодисалари билан боғлиқ маълумотлардан маълумки, электр симларнинг қисқа туташуви, электр симларини ўзбошимчалик билан билиб, билмасдан улаш ёки кўзда тутилмаган янгиликлар киритишга уриниш, шунингдек, ёқилғи-мойлаш материалларидан фойдаланишда жиддий хатоларга йўл қўйиш ана шундай фожеали оқибатларни келтириб чиқаради. Кўплаб ҳайдовчиларимиз автомобил карбюраторларидан, унга уланган резиналардан бензин оқаётганлигига эътибор қилишмайди. Шу ўринда Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармасига тушган маълумотларга эътиборингизни қаратмоқчиман:

17 июл куни Юнусобод тумани Ўзбекистон кўчаси, 50-хонадонда электр симларининг қисқа туташуви натижасида ВАЗ 2106 русумли автомашинанинг устки қопламаси ёнган. 2 август куни Яккасарой тумани Усмон Носир кўчасида "OPEL" русумли автомашина буткул ёниб кетган. Бунга сабаб - мотор қисмида электр симларининг қисқа туташуви бўлган. Шу куни Шайхонтохур тумани Халқлар Дўстлиги шох кўчасида йўл транспорти ҳодисаси натижасида ВАЗ 2107 русумли машинанинг ёқилғи баки ёниб кетган. Автомобил эгаси тез шифохонага ётқизилди. Афсуски, бундай ходисалар тез-тез содир этилиб турибди.

Ҳар бир ҳайдовчи зийрак, сергак бўлиши зарур. Кўзга кўринмаган, арзимаган бир камчилик катта, жиддий талафотга, кўнгилсизликка, бахтсиз ҳодисага олиб келади. Инсон умри хазон бўлади. Вақтингизни аямасдан, машинангизни мутахассис кўригидан тез-тез ўтказиб туринг. Шундай қилсангиз, ўзингиз ҳам хотиржам бўласиз. Яхши ниятлар билан сотиб олган «тойчоғингиз» ҳам фалокатдан нари бўлади.

Муслима РАҲИМОВА,
Катта лейтенант,
Тошкент шаҳар ИИББ
ЁХБ инспектори.

КЎРПАЧА



ОНАЖОНИМ—ОФТОБИМ

Онам ҳаёт вақтларида ҳам гоҳо ўзим, гоҳо ҳуда-беҳудага шамоллайверадиган болаларим билан касалхоналарда ётишга тўғри келарди. Бироқ, касалхонани тарк этгунимизга қадар қатнайвериб, онам раҳматликнинг тинкалари қурирди. "Чарчаб қоласиз, мен тузукман, сиз ҳам касал бўлиб қолманг", деган дашномлару, ҳеч қандай куч у кишини бу йўлдан қайтара олмасди. "Сен соғ бўлсанг, мен ҳам соғман, хурсанд бўлсанг, менинг қувонганим", дердилар.

Кечагидек ёдимда. Катта ўғлим Алишер 1 ёшга ҳам тўлмаган кезлари кўзи яллиғланиб, касалхонага ётдик.

У пайтда 17-шаҳар касалхонасининг кўз касалликлари бўлимида нафақат катта ёшдагилар, балки болалар ҳам даволанишарди. Шунинг учун бўлса керак у ерда болалар кровати ҳам йўқ. Яъни она-бола икковимизга энсизгина битта кроват насиб этди. Ўғлимнинг кўзлари кундан-кун қизариб, яллиғланиб борарди. Врачлардан умидлироқ бирор гап кутаман. Бироқ, аҳвол умид қиладиган даражада эмас. Кўзларини ишқалаб юбормаслиги учун, унинг иккала қўлини йўргаклагандек қилиб боғлаб қўйишади. Боламни кроватга ётқизаману, ўзим стулда ўтириб, ёки энсиз кроватнинг бир четига омонатгина ўрнашиб, тонг оттираман. Икки кўзим ўғлимда. "Наҳотки, мана шу қора кўз ўғлимнинг кўзлари... йўқ, йўқ бўлиши мумкин эмас"! Ўғлимнинг кўшни уйқусидан-да қисқароқ уйқусига зийрак нигоҳ билан боққанча тунни тонгга улайман. Оғриқдан чирқиллаб йиғлаётган, ҳали ёшига тўлмаган боламни бағримга босиб, ёнма-ён ётаман. Чорасиз қўлларим билан уни силаб-сийпайман, кўзларимда шашқатор ёш. Шу пайт менинг қўлларимни ҳам меҳрибон қўллар силаб-сийпалаётганини ҳис қиламан. Кўзларида шашқатор ёш билан тепамда онам турган бўладилар. Бу ҳол деярли ҳар куни такрорланади. "Болам, ўғлингга худо шифо бериб қолар. Ахир ўзингни ҳам ўйла-да. Мен боламга куйсам, болам боласига куяркан-да. Кроватнинг қирралари ёнбошингга ботиб кетибди-ку. Ҳозир бориб уйдан кўрпача олиб келаман. Ҳеч бўлмаса боланг ухлагач кўрпачани полга тўшаб бўлса-да ором оласан-ку жон болам".

"Йўқ-йўқ, ойижон, касалхонага ҳам кўрпача олиб келадими, қўйсангизчи", дея аранг онамни йўлдан тўхтатаман.

"Қоронғу тушсин, албатта келтириб бераман. Озгина бўлса ҳам ором ол", яна такрорлайдилар онам.

Шу зайлда неча тонглар ўтиб, кунлар ботди. Онам айтганларидек. боламнинг кўзларига худо шифо берди. Шифокорларнинг фидокорликлари, қолаверса, менинг кўз ёшларим зое кетмади. Ўғлимнинг кўзлари 6 ой деганда аслидагидек ширин, қувноқ нигоҳ билан қарай бошлади. Менинг ҳам кўзларимда ғунут бўлаётган қувонч акс эта бошлади. Бироқ, аслини олганда боламнинг кўзлари тузалгунга қадар мен боламдан, онам эса мендан кўпроқ кўз ёш тўкдик, изтироб чекди.

Мана, шу воқеага ҳам 19 йил бўлибди. Касалхонанинг шифтларига боққанича кўзим илинибди. Тушимда онам, меҳрибон онажоним бошларига кўрпача қўйганча шошиб, энтикиб келаяптилар: "Болам, тузукмисан? Ўғлингнинг тўйига кўрпача тикдим"...

Раҳима СОДИҚОВА

ИККИ ДУНЁНГ КУЙДИ, ҚИЗИМ...

Кўнғироқларингиз...

Тушдан сўнг Сирдарёдан қўнғироқ қилган аёл йиғидан ўзини тута олмасди.

- Қизим... Мен... - деганча гапира олмасдан гўшакни қўйиб қўйди. Мен эса у билан батафсил гаплаша олмаганимдан хижил бўлдим. Лекин эртасига аёл яна қўнғироқ қилди ва бу гал у билан анча суҳбатлашдик.

- Дардим дунёга сиғмаяпти. Эрталабгача ухлай олмадим. Яна сизга қўнғироқ қилиб, гаплашгим келди...

- Жуда яхши бўлди қўнғироқ қилганингиз, келинг, муаммоларингиз бўлса бирга ҳал қилайлик!

- Исмим Назира, тўрт қиз, бир ўғлим бор. Ҳаммасидан тинчигандим. Аммо, бир қизим болали бўлганда ажралиб уйга қайтиб келди. Кечаги кўнгилсизлик ўша қизимнинг турмуши билан боғлиқ эди.

- Нима бўлди?

- Сизга очиғини айтай, ўша ажрашган қизим яхшигина бир йигитга турмушга чиқди. Ўша пайтда емай, ичмай пул йиғиб, унга бир хонали уй олиб бергандик. Куёвим эса: "Ойижон, энди кўпайишдик. Уч хонали уй оламиз-да, яхшилаб таъмирлаб, чақалоқни ўша уйга олиб келамиз", - деди. Мен нима ҳам дердим, хурсанд эдим. Бир ой шу уйни таъмирлашди. Қизимнинг опалари бориб ундан бир марта ҳам хабар олишмади. Куёвим анча хафа бўлди.

Кейин менга: - Ойижон, чақалоқни олиб келсак, уч-тўрт кишини чақириб, худойи қилиб юборамиз. Қизларингизни чақирмаймиз, чақалоқнинг чилласи чиққанидан сўнг келиб-кетишар, - деди. Мен эса :

- Майли болам, ўзингиз биласиз-да, - дедим. Агар бу қизимнинг биринчи турмуши бўлганида эди, куёвга гапимни ўтказардим. Аммо, бу эри билан ҳам келишмай қолса уч боласи билан қайга боради? Шуни ўйладим... Маросим ҳам ўтди. Уйга энди келиб турсам, катта қизим, Феруза важоҳати бузилиб, қовоғини осилтириб келиб қолди.

- Нега қизингиз билан куёвингиз бизни худойисига айтишмади? Эҳтимол ҳаммасига сиз айбдордирсиз, куёвингизга бизни ёмонлагандирсиз? - деб бақира бошлади.

- Фақат худойига айтилмаганликлари учунми?

- Ҳа, қизим ишламайди. Тўй-маъракаларда юриш бўлса бўлди.

- Сизга бақиргани учун узр сўрамадими?

- Узр сўраш қаёқда? Наҳот, қизимга ҳам, болаларига ҳам озмунча меҳнатимиз сингиганми? Турмушга чиққанидан кейин ҳамма фарзандларини катта қилиб бердик. Бировдан кам бўлгани йўқ.

Ўша куни уриб-уриб: - Энди сендек онам йўқ, сен мен учун ўлгансан. Уйимга борсанг, оёғингни синдираман», - деб дўқ қилди. Шунга яраша жим ҳам юрмаяпти. Биз энди ҳар куни унинг ҳақоратларига чидашимиз керакми?

Кўй, қизим, биз сени кечирамиз, мени азобладинг! Энди бас қил, десам отаси: - «Бўлди, энди кечирсанг ҳам оқ сут берган онасига қўл кўтаргани, ургани учун қизингнинг икки дунёси куйди». Бўлар иш бўлди, - дейди. Барибир унга ёмонлик тиламайман.

Аёл шундай дея, гўшакни қўйди. Мен ҳайратда эдим. Тўғри, баъзан одамлардан "фалончини ўғли ёки келини урганмиш..." деган сўзларни эшитиб қолардим. Эртага бундай бешафқат, нонкўр фарзандни қандай тақдир кутиши мумкин? Албатта ё ўғлидан, ё қизидан қайтади? Феруза! Бир куни сиз ҳам онангизнинг кўйига тушасиз. Сизни таниганлар, оқладор фарзанд-да, қилмишига яраша жазосини олибди, дейишади. Бунинг устига фарзандларингизнинг ҳам тақдирига, бахтига занжир солибсиз? Эшигингизга ким совчи бўлиб келади-ю, кимнинг уйига бош кўтариб совчиликка бора оласиз? Онангиз кечирса-да, сиз ҳали ўзингизни кечира олмайсиз, тунлари йиғлаб виждон азобидан қийналишингиз аниқ. Ҳали ҳам бориб, онангизнинг оёқларига йиқилинг, узр сўранг!

БАСИРА

ҚАЙНОНАМНИНГ ҚИЛИҒИ...

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

- Илтимос, қайнонам билан бўлаётган можароларимизни ёзсангиз, газетхонлар менга маслаҳат беришса... Чунки бошим қотиб қолди, - дейди хонага кириб келган кўҳликкина жувон мақсадга кўчиб.

- Бош қотиш даражасига олиб боргандирсиз-да,-дейман ҳазилу чин қилиб.

- Уларни тушунишга, иложи борича вазиятни енгиллаштиришга қанчалик ҳаракат қилмай, барибир фойда бермаяпти.

- Нечанчи келинсиз? Қайнонангиз билан бирга турасизми?

- Ёлғиз келинман, чунки хўжайиним ёлғиз фарзанд. Бир қиз, бир ўғлим бор. Эрим вилоятда обрўли инсон. Топиши ҳам чакки эмас. Мен эса иқтисодчиман. Худога шукр, яшаш тарзимиз ҳавас қилгулик. Лекин, қайнонамга нима етишмайди, тушунмайман. Ҳеч кимдан кўнгиллари тўлмайди. Аввал, бирга турардик, кейин ёлғиз туришни хоҳлаб қолди, алоҳида уй сотиб олиб бердик. Лекин шунда ҳам тинчимади.

- Нима бўлди?

- Арзимаган нарсалардан жанжал чиқаради. Болаларим катта бўлиб қолгани учун, бекор ўтиргандан кўра оила даромадига қўшимча бўлсин, деб ишлайман, бу ҳам ёқмайди. Бўлак турса-да, ҳар куни бориб, овқат пиширириб, ишларини қилиб келаман, шунда ҳам ёқмайди. Ўғли билан ҳам нукул уриш, бақир-чақир, қариндошларнинг барчаси билан араз-гина, қўшниларни-ку юраги безиллаб қолган. Бирорта қўшни билан уришиб қолса, ўша заҳоти судга беради.

- Қайнотангиз борми?

- Йўқ, балки бўлганида шунчалик бўлмасмиди?! Қайнотам ташлаб кетганида қайнонам 24 ёшда экан. Саноқсиз акам икки ёш бўлган. Қайнонам қайта турмуш қурмаган. Жуда қийналиб кетганимдан руҳшуносдан маслаҳат олдим. Улар бунинг сабаби гармонлар бузилишидан дейишди. Бу жуда ёмон ҳолат бўлиб, ҳатто аёл ақлдан озиши ҳам мумкин экан. Жуда хавотирга тушдим. Мени деб, ота-онамнинг ҳам ҳаловати бузилган.

- Қайнонангиз турмушга чиқса яхши бўлиб кетар.

- Руҳшунос ҳам шу маслаҳатни берди, қайнонамда ҳам хоҳиш бор. Аммо хўжайиним қаттиқ қаршилик қилди. Ўз обрўсини ўйлади, шекилли.

- Ўқимишли одам табиат қонуни, организмнинг хоҳиш-истакларини ҳам яхши тушуниши керак. Эрта бир кун асаб касаллигига чалинса, обрўси неча пул бўлади?

- Тўғрисини айтсам, бу касалликнинг аломатлари ҳам топилган. Даволаниб ҳам чиқди. Аммо жанжал қилиши кучайса-кучайди-ки, камаймади. Бошдан ўтганни айтиб бериш ёки эшитиш осон. Аммо, ўша шароитда яшаш жуда қийин. Болаларим, эрим туфайли чидашим керак, ахир келинман-ку! Қаерга ишга кирсам ўша жойдаги бошлиғимга устимдан арз қилиб боради.

- Нима деб арз қилади?

- "Ишдан бўшатинглар, келиним ёмон, бузуқ", - деб айтади. Яқинда ҳам шу ҳол юз берган экан, бошлиғим: "Бўшатишга ҳаққим йўқ. Мен унинг енгилтаклигига ҳеч ҳам ишонмайман. Энг муҳими ўз касбининг устаси", - деб жавоб берибди. Раҳбар менга бу ҳақда айтган эди: "Энди сизнинг ҳам тинчингизни бузади. Устингиздан арз қилади. Яхшиси, мажлис қилиб, огоҳлантириш бердим десангиз, бироз таскин топардилар", - дедим.

-Нодирахон, бу ҳақда эрингиз билан чуқур ўйлаб кўришингиз керак. Балки жуфтини топса, бир-бири билан овуниб, сизларга ҳам иши бўлмай қолар. Газетхонлар бу ҳақда қандай фикрда экан? ...

Матлуба ШУКУРОВА

"ГАП"ГА БОЛА БОРИШИ КЕРАКМИ?

Бир ўйлаб кўрсак...

Катталар орасида гап-гаштак деган тушунча мавжуд. У кўпроқ "гап ўйини" номи билан машҳур. Бундай "гап ўйинлари" айниқса, ҳозирги кунда жуда оммалашиб кетган. Хуллас, бу ҳақда эшитмаган, уларнинг тартибини билмайдиганлар бўлмаса керак. Буни қаранг-а, катталар уёқда турсин, эндиликда, ҳатто мактаб ёшидан чиқмаганлар ҳам ўзаро "гап" ўйнайдиган бўлиб қолишган. Аниқроғи, улар учун бу яна бир эрмак, вақтичоғлик қилиш баҳонаси, холос. Бу ҳам майлику-я, аммо ёш фарзандининг "гап"и учун пул бераётган ота-оналарга нима дейсиз. Бунинг нимаси ёмон, дўстлари билан дам олади-да, дейдиганлар топилар, эҳтимол. Лекин, бунинг чиндан ҳам шундайлигига ким кафолат бера олади. Ёшларни йўлдан урадиган нарсалар кўпайган айни замонда уларнинг турли даврларда ана шундай вақтичоғлик қилишларига йўл очиб бериш тўғримикан? Боласини "гап"га юбориб, унинг аслида нима билан шуғулланаётганлигини ҳамма ҳам назорат қилавермайди. Бугун у бола, эртага эса бу қабилидаги ўтиришлар одат тусига кирса-чи? Унинг қинғир йўлларга кириб қолмаслигини ким кафолатлайди?

Тўғри, ёшларнинг бир давра атрофида йиғилиб ўтиришлари ёмон эмас. Аммо бундай учрашувлар айнан шоҳона безатилган дастурхон атрофида кечиши шарт эмас, назаримизда. Қолаверса, мактаб ўқувчиларининг атрофида йиғилиб туриши учун бундан-да фойдали сабаблар йўқ эмас-ку.

Тунлар китоб устида бедор ўтказиб қилинган гурунглар ҳақида қарияларимиз тез-тез ҳикоя қилиб туришади. Айнан шундай кечалар орқали ўзбек адабиётининг нодир асарлари ўзбек хонадонларига кириб борганлигини эса айтмай ўтишнинг иложи йўқ. Энг муҳими, оила даврасидаги китоб мутолаа қилишлар болалар тарбиясига ниҳоятда ижобий таъсир этган бўлиб жуда эрта китобга ҳавас уйғотишга хизмат қилган. Аммо, негадир бугун аксарият хонадонларда бундай анъаналарнинг унутиб қўйилганлиги ачинарли ҳол, албатта. Ахир ёшлар даврасида китобхонлик кечаларини ўтказиш, турли хил гап-гаштагу, ҳуда-беҳуда ўтиришлардан минг чандон афзал эмасми?

Наргиза УМАРОВА, "Туркистон-пресс"

Қаламкаш Иномжон Абдиевнинг ёзганларини ўқиб, ўзимнинг шу ҳақдаги кўрганларим ва билганларимни баён этмоқчиман.

Бир куни лўли аёл кўчада мени ушлаб олди. Унга: "Кейинги пайтларда нукул ўлиб кетган ота-онам, тоқдан ва нарвондан ногаҳон йиқилиб, қазо қилган Раҳматжон акам ва Маҳмуджон укаларимни тушимда кўраман ва улар билан гаплашаман..." - десам, ўзимни ўқитишим кераклигини айтди. Мен ҳам кўнглим таскин топиши учун ўтганларни жуда соғинганимдан: "Кел, ўқитсам ўқитай, мендан нима кетди", - деб ўқитдим. Лекин ҳеч нарса сезмадим.

Ён қўшним Мавжудахоннинг Фотима ва Зуҳра қизларига шундай жоду қилишганини айтди. Қулфнинг оғзига оқ ипни чувалаштириб, ўраб ташлашганини кўрсатди-да, шуни оқар сувга ташлаб юборишини, шунда сеҳр оқиб кетишини айтди. Қўшнимнинг юраги таскин топсин учун унга индамадим ва ўзим бу "жумбоқ"ка ҳечам ишонмадим.

Муаллифнинг: "...ҳар ҳолда бировга иссиқ-совуқ қилиб, бирор кишининг душманини жувонмарг қилиш билан шуғулланувчи бундай кимсалар жазосини Худонинг ўзи берсин", - деган гапига қўшиламан, азизлар!

Афифа ҲАСАН қизи

Руҳоний табиб дўстим таклиф бўйича туманларга ҳам бориб туради. Доимий мижозларидан бириникида хизматда экан. Қўшнимизникига эшон келибди, деб дуо олувчи момонинг ўғли бир-икки келиб: "Эшон бобо, бизникига ҳам ўтинг, бир пиёла чойимиз бор", - деб таклиф қилибди. Ҳабибхон: "Шу ерга келдим, шу ердан қайтаман, раҳмат", - дебдилар. Йигитчанинг қандайдир гапи бор эканлиги билан эр-хотин бўла олмаётган экан. Кимдир дуо қилинганлигини башорат қилибди. Қўшнилардан бири ўша туман марказида яшовчи лўли момо таниши эканлигини, агар олиб келишса тезда дуодан халос этишини маслаҳат берибди. Хом сут эмган банда рози бўла қолибди.

Нафас олишга қийналаётган йигитни кўриб лўли момо:

- Ў-ҳў, дарди оғир-ку! Бироз ҳўкиз берсангиз дуони олай, айтолмаётган экан. Охири мезбон ўша гапни айтибди.

- Эшонбобо, ўзини кўрмаган бўлсангиз ҳам бу момо вилоят маркази ва анча олис жойларда ҳам анча таниқли, номи чиққанлигини яхши биласиз. Момо сиз билан ҳамкорлик қилмоқчи экан.

- Мен билан ҳамкорлик қандай бўларкан? - деб сўрабдилар Ҳабибхон.

- Сизга дуоланган бемор дуч келса, момога юборасиз. Момо дуони олгач, сизнинг "улуш"ингизни дарҳол етказади. Момо мард.

- Йўқ, - деб жавоб берибдилар Ҳабибхон, - менинг обрўйим "улуш" олишга қолдими. Ўйлаб гапираяпсанми? Мен Оллоҳнинг каломи билан ишлайман. Лўлининг фирибгарлигига шерик бўлиб, гуноҳга қолиш етмай турган эканми?! Ука, бу таклифни ўйлаброқ айтсангиз маъқул бўлармиди?

Вилоят марказидан бир куёв боланинг мазаси бўлмабди. Кеман, бўлмаса бу юк менга ҳам оғирлик қилади.

Куёв боланинг онаси ўртага тушган қўшнига қарабди. Шу пайт лўли момо ён босган бўлиб:

- Майли, ўртада қадрдоним Хумохон бор. Ҳеч бўлмаса бир тананча топилмайдими? Пули бўлса ҳам бўлаверади, - депти.

Худди пул бисёрдай йигитнинг онаси:

- Қанча пул бўлса, рози бўласиз?

- Бир танача бозорда ўлсаям юз эллик минг туради. Ҳеч бўлмаса бир юз йигирма беш минг беринг, - депти лўли момо.

Хуллас келин-куёв хонадонлари қўшилишиб ҳалиги пулни топишибди.

Лўли момо қўлига яп-янги пичоқни олиб, уй атрофини роса "разветка" қилибди. Пичоқни ерга санчиб, учини бурнига олиб бориб ҳидлаб-ҳидлаб, ақл бовар қилмайдиган жойлардан кавлаттириб, тупроқни элатиб, кишилар кўз ўнгида дуолардан бир нечтасини, келин-куёвнинг оғзиларидан ҳам 7-8 донасини "чиқариб", "топиб" берибди. Ўша маҳал йигитнинг нафас олиши равонлашгандай, соғлиги яхши бўлгандай бўлибди.

Момо кетгач, аҳвол яна аввалгидай. Қийинчилик билан тўй ўтказган бева аёл яна 125 минг сўмга чув тушганини кимга айтсин.

Ҳабибхон дўстим куёв болани ўқигани борса, юқоридаги воқеани айтиб беришибди.

8.50 "Динозаврлар билан сайр". Ҳужжатли телесериал.
"Болалар сайёраси":
9.50 1. "Цирк, цирк, цирк".
2. "Шумтакалар". Мультсериал.
10.40 "Юртим жамоли". Экранда –Жиззах вилояти.
11.00 "Ахборот".
11.15 "Омон бўлинг!"
11.20 "Уста Ҳасан".
12.15 "Дўстлик" тележурнали: 1."Умид". 2."Истоки".
12.45 "Оҳанглар оғушида".
12.50 "Омон бўлинг!"
12.55 "Эгизаклар".
13.50 "Кўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
14.00 "Ахборот".
14.20 "Қора ўқ". Бадиий фильм.
"Болалар сайёраси":
15.45 1."Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2."Эртаклар – яхшиликка етаклар".
16.45 Янги алифбони ўрганамиз.
17.15 "Тамаддун".
17.35 "Оқшом наволари".
17.55 "Мураббий".
18.20 "Зиё" студияси намойиш этади: "Эътикод мустаҳкамлиги йўлида".
18.40 "Олтин мерос".
18.45 "Минг бир ривоят".
18.50 "Ошин". Телесериал.
19.25 "Ўзлото" кундалиги ва рекламалар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
19.55, 21.30 Эълонлар.
20.00 "Омон бўлинг!"
20.05 "Эгизаклар".
21.00 "Ахборот".
21.40 Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт "Туркистон" саройидан олиб кўрсатилади (Ёзиб олинган)
22.20 "Уста Ҳасан". Телесериал премьераси.
23.10 "Кўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг".
8.30 «Янги авлод» студияси: Китоб жавони.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.15 «Эсмеральда".
9.45 Менимча.
9.50 Тенгдош.
10.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Паландара жилолари".
10.20 Қуёшли юрт одамлари.
10.40 Қўли гул уста.
11.00 Спорт маликаси-2005.
11.15 Ёшлар овози.
11.25 «Кино SMS» танлови.
11.30 Тараққиёт сари.
11.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари»
12.40 Солиқ хизмати хабарлари.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.15 Менимча.
13.20 Қизил ҳудуд.
13.35 Саломатлик йўлида(
13.50 "Кино SMS» танлови.
13.55 Ҳаёт қадри.
14.20 Интерфутбол.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.15 "Даллас". Телесериал.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05". Янги авлод « студияси: У ким? Бу нима?.
17.25 «Кўк сичқонча ва хумбош мушукнинг саргузаштлари". Мультсериал.
17.45 Тадбиркор ва қонун.
18.05 Менимча.
18.10 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.30 Спорт маликаси-2005.
18.45 ТВ-адвокат.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Ёшлар» телеканалининг фототанлови.
19.40 Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан. Матонат.
20.00 Спорт-лото.
20.10 «Умр дафтари» туркумидан: Академик Ботурхон Валихўжаев. 1-қисм.
20.30 ДаврА.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Муҳаббат ва эҳтирос".
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.40 Ёшлар куйлаганда.
22.45 Спорт антологияси.
22.50 "Кино SMS» танлови.
22.55 «Эсмеральда".

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури /рус/.
18.50 "Имконият".
19.10 "Экспресс" телегазетаси.
19.30 "Табриклаймиз, кутлаймиз".
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури.
20.20 ТТВда сериал: "Морена Клара".
21.00 "Экспресс" телегазетаси.
21.20 "Дорихона эшитади".
22.10 Кинонигоҳ: "Али бобо ва қирқ қароқчи". 1-2-қисмлар.
00.20-00.25 "Хайрли тун.

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.20 "Хозяйка судьбў". Сериал.
10.40-10.55 Студия "Равнак" представляет.
***
"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Хабарлар".
18.20 "Дадиллик учун совирин".
18.50 "Поле чудес".
20.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
20.30 Мусиқий дастур.
21.00 Каратэ. Ўзбекистон Кубоги.
21.30 "Захирадаги спортчи".
21.50 Кураш. Республика биринчилиги.
22.20 "Тунингиз осуда бўлсин!"

12.05 - «Теле-хамкор»
12.25 – **«Детский час»**
12.50 – **«Бедная Настя»**.
14.00 – Художественный фильм - **«Спросите Синди»**, комедия
15.30 – «Ошикона» мусикий дастури
16.15 – **«Детский час»**
16.45 - «Теле-хамкор» фойдали газета
17.05 – НТТ - Мультсериал
17.25 – НТТ - «Мусикий лаҳзалар»
17.40 – НТТ «Истиклол-ТВ» такдим этади
17.55 – НТТ – «Эслайсизми?»
18.00 – НТТ – «Жемчужина дворца» телесериал
19.00 – «Ошикона» мусикий дастури
19.45 – «Мультфильм»
20.00 – «Мусикий табассум»
20.45 – «Телехамкор», фойдали газета
21.00 – НТТ « Кунгил кучалари» телесериал
22.00 - «Мусикий табассум»
23.00 – Х/ф **«Плохие парни»,** остросюжетный фильм

5.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Убойная сила». Многосерийный фильм
9.20 Приключенческий сериал «Агент национальной безопасности»
10.30 «Встань и иди». «Сны Ахилеса»
11.00 Новости
11.20 Премьера. «Русское лекарство». Многосерийный фильм
12.30 Дисней-клуб: «Ведьма»
12.50 «Человек и закон»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.10 «Лолита. Без комплексов»
15.00 Сериал «Хозяйка судьбы»
16.00 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 «Кривое зеркало»
18.50 Поле чудес
20.00 Время
20.25 Премьера. Дженнифер Лопес в романтической комедии «Госпожа горничная»
22.20 «Золотой граммофон»
23.20 Кристофер Ламберт завершает битву в остросюжетном фильме «Горец - конец игры»
1.00 Вупи Голдберг в комедии «Увлечение Стеллы»
3.20 «Русская канарейка». Документальный фильм

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 Ярослав Бойко и Маргарита Шубина в телесериале «Неотложка-2».
8:45 «Никита Михалков. Русский выбор». Генерал Деникин.
9:45 ВЕСТИ.
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:50 «Мусульмане».
11:00 «Вся Россия».
11:15 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
11:45 «Комната смеха».
12:45 ВЕСТИ.
13:00 ВЕСТИ.
13:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:30 «Суд идет».
14:30 Аристарх Ливанов, Владимир Конкин и Александр Дедюшко в телесериале «Оперативный псевдоним-1».
15:30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
15:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:00 ВЕСТИ.
16:10 ПРЕМЬЕРА. «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17:00 ПРЕМЬЕРА. «Черная богиня». Телесериал.
17:45 Валентина Талызина, Амалия Гольданская, Алексей Булдаков, Эммануил Виторган, Валентин Смирнитский и Борис Невзоров в телесериале «Исцеление любовью».
18:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19:00 ВЕСТИ.
19:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
20:00 ПРЕМЬЕРА. «Юрмала-2005». Международный фестиваль юмористических программ.
21:55 Елена Яковлева, Ирина Розанова, Ингеборга Дапкунайте и Всеволод Шиловский в фильме Петра Тодоровского «Интердевочка».
0:50 Настасья Кински и Малькольм МакДауэлл в триллере «Люди-кошки» (США). 1982г.
3:15 «Дорожный патруль».
3:30 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. «Закон и порядок» (США).
4:20 «Ангелы Чарли». Телесериал (США).

ШАНБА 1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ.

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 "Олтин мерос".
8.50 "Динозаврлар билан сайр". Ҳужжатли телесериал.
9.45 "Шумтакалар". Мультсериал.
10.15 "Оналар мактаби".
10.35 "Дўстлик" тележурнали: 1. "Рангинкамон". 2. "Дидар".
11.05 "Устоз ҳақида сўз".
11.10 "Омон бўлинг!"
11.15 "Уста Ҳасан". Телесериал.
12.05 "Болаларга бахшида умр".
12.15 "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
12.35 "Портретга чизгилар".
12.50 "Устоз ҳақида сўз".
12.55 "Эгизаклар". Телесериал.
13.50 "Қўшиғимсан, муҳаббат"
14.00 "Ахборот".
14.15 "Мусиқа дунёси".
14.40 "Бир ҳарф ўқитмиш ранж ила..."
14.55 "Устоз ҳақида сўз".
15.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
15.15 "Мактабга эътибор – келажакка эътибор".
15.35 "Устоз ҳақида сўз".
15.45 "Хониш". Мусиқий дастур. "Болалар сайёраси":
16.25 "Олтин тож".
17.10 "Одамлардан бири".
17.30 "Устоз ҳақида сўз".
17.40 "Интеллектуал ринг".
18.20 "MAGGI" ® Олтин ошхона.
18.45 "Ошин". Телесериал.
19.15 "Ўзлото". Телелотерея.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.05 "Йиллар армони".
20.55 "Минг бир ривоят".
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Келин-куёв". Телетомоша.
22.40 "КиноТеатр".
23.00 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.10 "Ҳеч қачон демагин "Ҳеч қачон". Бадиий фильм премьераси. 1-қисм.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг".
8.30 Билағон маслаҳати.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
9.00 Давр.
9.10 «Эсмеральда". Телесериал.
9.40 Табобат оламида.
10.05 Ватанпарвар.
11.05 Спорт маликаси-2005.
11.20 Бола тилидан.
11.50 «Маҳобҳорат". Телесериал.
12.35 Кутилмаган меҳмон.
13.00 Давр.
13.15 ДаврА.
13.40 "Кино SMS» танлови.
13.45 Матонат.
14.05 Менимча.
14.10 Интерфутбол.
15.50 «Ёшлар» телеканалининг фототанлови.
16.00 Давр.
16.10 Мафтунингман, диёрим!
16.15 «Самсон ва Салли". Мультфильм.
17.25 Болалар шеърияти.
17.35 Саломатлик сирлари.
17.55 «Маҳобҳорат". Телесериал.
18.40 Каталог.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
19.00 Давр.
19.40 Ўқитувчи ва мураббийлар кунига. «Биринчи устозим".
20.00 «Умр дафтари» туркумидан: Академик Ботурхон. Валихўжаев. 2-қисм.
20.20 Менимча.
20.25 Ўқитувчи ва мураббийлар кунига. «Илдиз ва япроқ".
21.00 "Кино SMS» танлови.
21.05, 21.45 Эълонлар.
21.10 Муҳаббат ва эҳтирос".
21.50 Мафтунингман, диёрим!
22.00 Давр.
22.40 «Қўшиқнинг туғилиши". Севара Назархон.
23.15 Спорт антологияси.
23.20 Кулгуч.
23.30 «Кино SMS» танлови.
23.35 «Сангам". Бадиий фильм

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.30 "Пойтахт" ахборот дастури
18.50 Ўқитувчилар кунига: "Зиё нури қалбларда".
19.50 "Шунақа гаплар".
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури.
20.20 "Табриклаймиз".
20.50 "Экспресс" телегазетаси.
21.10 "Янги иқтисод".
21.50 Ўқитувчилар кунига: "Бир-галикда куйлаймиз".
22.40 "Экспресс" телегазетаси.
23.00 "Ёшлар даврасида".
23.20 Кинонигоҳ: "Душанбагача бир гап бўлар".

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодрое утро".
8.40 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.10 "Три окна". А. Макаревич.
9.50 "Джунгли".
11.00 "Спортивный английский".
11.10-12.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Машъал" (Муборак)-"Локомотив" (Тошкент)
"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Хабарлар".
18.20 "Болалар спорти".
18.35 "Фестиваль юмора".
20.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
20.30 "Дув-дув гап". Шоу дастури.
21.15 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
21.30 "Спорт- менинг ҳаётим".
21.45 Кураш. Республика биринчилиги.
22.15 Жаҳон спорти: "Еврофутбол".

9.00 – Открытие программы
9.05 - «Теле-хамкор» фойдали газета
9.20 – «Детский час»- мультсериал
9.50 - Фильм детям: **«Бруно»**, приключения
11.10 – «Ошикона» мусикий дастури
11.55 – **Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса**
12.40 – **«Плохие парни»,** остросюжетный фильм
14.30 - **«Болалар соати»**
15.30 – «Музыкальный калейдоскоп».
16.00 –«Детский час» - мультсериал
16.45 - «Теле-хамкор» фойдали газета
17.05 – НТТ «Байрамингиз муборак, азиз устоз!»
17.25 – **«Бетховен»,** кинокомедия
19.00 – «Ошикона» мусикий дастури
19.45 – «Телехамкор» фойдали газета
20.00 - «Хит-парад - плюс»
21.00 «Биз хеч кимдан кам эмасмиз» бадий фильм, 1 серия (Индия)
22.30 - НТТ Анонс
22.35 – НТТ «Биз хеч кимдан кам эмасмиз» бадий фильм 2 серия

1 ЭФИР

4.10 Нарисованное кино. «Принцесса Лебедь»
5.00 Новости
5.10 Нарисованное кино. «Принцесса «Лебедь». Окончание
5.40 Приключенческий фильм «Рикки-Тикки-Тави»
7.00 Играй, гармонь любимая!
7.40 Слово пастыря
8.00 Дисней-клуб: «Кряк-бригада» , «С добрым утром, Микки!»
9.00 Новости
9.10 «Три окна» Андрея Макаревича
9.50 «Джунгли». Фильм 3-й. «Города-призраки»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Здоровье
12.00 Премьера. «Президентский полк»
12.50 «КВН - 2005». Премьер-лига. Первый полуфинал
14.40 Дмитрий Харатьян в комедии «На Дерибасовской хорошая погода, или На Брайтон-Бич опять идут дожди»
16.30 Премьера. «Армен Джигарханян. Одинокий клоун». К 70-летию со дня рождения
17.00 Вечерние новости
17.10 «Новые песни о главном»
18.30 Субботний «Ералаш»
19.00 «Кто хочет стать миллионером?» с Максимом Галкиным
20.00 Время
20.20 Фестиваль юмора «Умора - 2005» с участием Максима Галкина, Ефима Шифрина, Верки Сердючки, Яна Арлазорова, Геннадия Ветрова
22.00 Сильвестр Сталлоне, Микки Рурк в боевике «Убрать Картера»
23.50 Триллер «На самом дне»
1.40 Остросюжетный фильм «Монтана»
3.30 Нарисованное кино. «Покемон навсегда»

РТР

5:00 «Доброе утро, Россия!».
6:40 «Золотой ключ».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7:20 «Русское лото».
7:55 «Военная программа» Александра Сладкова.
8:20 «Вокруг света».
8:50 «Субботник».
9:30 «Утренняя почта».
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:20 «Сто к одному». Телеигра.
11:15 «В поисках приключений».
12:15 «Клуб сенаторов».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 РОДНОЕ КИНО. Елена Драпеко, Лев Прыгунов, Надежда Федосова, Тамара Семина и Леонид Куравлев в фильме «Безотцовщина». 1976г.
15:00 «Портреты эпохи. Эльдар Рязанов».
15:50 «Ха». Маленькие комедии.
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
17:00 ПРЕМЬЕРА. «Аншлаг и Компания».
17:55 ПРЕМЬЕРА. «Секрет успеха».
18:50 «В Городке».
19:00 ВЕСТИ.
19:25 «Зеркало».
19:40 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
20:10 «Субботний вечер».
22:00 Брюс Уиллис, Ричард Гир и Сидней Пуатье в боевике «Шакал» (США-Великобритания-Франция). 1997г.
0:30 Триллер «Высокое напряжение» (Франция). 2003г.
2:25 Том Уэйтс в комедии «Таинственные люди» (США). 1999г.
4:30 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ЯКШАНБА 2

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.25 Кўрсатувлар дастури.
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 "Олтин мерос".
8.50 "Камалак" экрани: "Барбга саёҳат". Мультсериал.
9.15 ТВ анонс.
9.20 "Ҳамкорлик ришталари".
9.35 "MAGGI" ® Олтин ошхона.
10.00 "Ватанпарвар".
11.00 Ватан ҳақида қўшиқ.
11.10 "Меҳр кўзда".
11.55 ТВ анонс.
12.00 "Бу турфа олам".
12.50 "Интеллектуал ринг".
13.35 "КиноТеатр".
13.55 "Ромео ва Жульетта". Бадиий фильм. 1-қисм.
15.05 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
15.15 "Ромео ва Жульетта". Бадиий фильм. 2-қисм.
16.20 "Куйла, ёшлигим".
16.35 "Одами эрсанг..." "Болалар сайёраси" :
16.55 "Олтин тож".
17.35 "Яхшилик".
18.05 "Шахсий фикр".
18.40 "Айтишув".
19.25, 20.00 , 20.50 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "50Х50". Ток-шоу.
20.55 "Олтин мерос".
21.00 "Таҳлилнома".
21.45 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи".
22.45 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
22.55 "Ҳеч қачон демагин "Ҳеч қачон". Бадиий фильм премьераси. 2-қисм.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.00 Давр.
7.30 «Мунаввар тонг".
8.30 «Нўхот полвон". «Олтин тақа". Мультфильмлар.
8.50 Мафтунингман, диёрим!
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.15 Кулгуч.
9.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 Саломатлик сирлари.
10.45 Менимча.
10.50 «Очил дастурхон» ҳангомалари.
11.10 Замондошларим.
11.30 «Кино SMS» танлови.
11.35 «Маҳобҳорат». Телесериал.
12.20 «Заковат".
13.20 «ОПЕРАЦИЯ «Ы» ва Шуриккинг бошқа саргузаштлари". Бадиий фильм.
14.50 Менимча.
14.55 Ринг қиро ллари.
15.45 Чемпион сирлари.
16.10 «Янги авлод" студияси: Катта танаффус.
16.30 "Мультгомоша".
16.45 «Қадимги мавжудотлар". Илмий-оммабоп фильм. 4-қисм.
17.15 Ўзбекистоннинг тарихий шахслари.
17.35 «Кино SMS» танлови.
17.40 «Маҳобҳорат». Телесериал.
18.25 Ҳандалак.
18.45 Менимча.
18.50 Мафтунингман, диёрим!
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Сув-ҳаёт манбаи.
19.40 «Умр дафтари» туркумидан: Академик Ботурхон. Валихўжаев. 3-қисм.
20.00 Манзура Йўлдошева куйлайди.
20.40 Ракурс.
21.05 «Кино SMS» танлови.
21.10, 21.45 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат ва эҳтирос".
21.50 Мафтунингман, диёрим!
21.55 Спорт антологияси.
22.00 «Кино SMS» танлови якуни Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

"Тошкент" телеканали ижодкорлари "8.00-13.00 " гача деб номланган кўнгилочар информацион мусиқий кўрсатувлар дастурини эфирга узатади.
18.30 "Болажонлар экрани".
18.50 "Экспресс" телегазетаси.
19.10 "Миттивойлар мактаби".
19.30 "Табриклаймиз".
20.00 "Пойтахт плюс".
20.20 "Нима учун?"
21.00 "Экспресс" телегазетаси.
21.20 "Туризм ҳақида".
21.50 Кинонигоҳ: "Қалтис қадам".

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодрое утро".
8.40 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.10 "Непутевые заметки".
9.30 "Пока все дома".
10.20 "Қувноқ стартлар".
11.00 "Рақибингиз гроссмейстер".
11.15 "Спорт ТВ сиз учун".
11.30-12.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Насаф" (Қарши) – "Самарқанд-Д" (Самарқанд)
***
"SPORT". ТЕЛЕКАНАЛИ.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Талқин". Информацион-таҳлилий кўрсатув.
18.30 "Кривое зеркало".
19.35 "Тайм-аут".
20.00 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
20.30 "Мусиқий дастур".
21.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
21:15 "Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати".
21.40 Жаҳон спорти: Еврофутбол.
23.15 "Тунингиз осуда бўлсин!"

9.05 - «Теле-хамкор»
9.20 – **«Детский час»**
9.40 – Документальный фильм
10.15 – «Юлдузлар табриги».
11.00 – «Телехамкор».
11.15 – Документальный сериал на узбекском языке
12.00 - **Фильм детям «Тайна записной книжки»**, приключения
13.30 - «Хит.парад - плюс» повтор передачи
14.30 – **«Болалар соати»**
15.30 – «Аёллар орзуси», познавательная передача
16.00 – «Детский час».
16.25 – «Хикоя», познавательная передача
16.45 – «Телехамкор».
17.05 – НТТ – «Мультфильм»
17.25 – НТТ – Анонсы
17.30 – НТТ – «В мире животных»
17.55 – НТТ – «Киноконцерт»
18.05 - «Шоу рекордов Гиннеса»
18.35 – НТТ - «Мусикий лахзалар», Насиба Абдуллаева куйлайди
19.00 – «Телехамкор».
19.15 – «Ошикона».
20.00 – «Мультфильмы»
20.20 – «Мусикий табассум»
21.00 «Девчата», кинокомедия

1 ЭФИР

5.00 Новости
5.10 Вера Васильева в комедии «Свадьба с приданым»
7.10 Служу Отчизне!
7.40 Дисней-клуб: «Дональд Дак представляет»
8.10 «В мире животных» с Николаем Дроздовым
9.00 Новости
9.10 «Непутевые заметки» с Дм. Крыловым
9.30 Пока все дома
10.20 «Веселые картинки» с Юрием Гальцевым и Геннадием Ветровым
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Живой мир
12.10 Премьера. «Убойная сила». Будни африканского розыска»
13.00 Николай Трофимов, Георгий Бурков в фильме «С весельем и отвагой»
14.40 Сергей Дроботенко, Верка Сердючка на Международном фестивале юмора в Ялте
15.50 Невероятные приключения русских во Франции. Программа «Большие гонки»
17.00 Времена
18.00 Воскресный «Ералаш»
18.20 Приключенческий сериал «Остаться в живых». Фильм 13-й
20.00 Время. Информационно-аналитическая программа
20.45 Том Круз в фильме «Миссия невыполнима - 2»
23.00 Бокс. Бои сильнейших профессионалов мира. Рой Джонс - Антонио Тарвер
0.00 Суперчеловек. «Жестокий ринг. Черные против белых». Фильм 2-й
1.00 Нарисованное кино. «Метрополис»
3.00 Сканер. «Казнить нельзя помиловать»

РТР

5:00 «Доброе утро, Россия!».
6:20 «Сельский час».
6:45 Всероссийская лотерея «ТВ Бинго шоу».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7:20 «Диалоги о животных».
7:55 «Волшебная кисточка». Мультфильм.
8:10 Сергей Виноградов в семейном фильме «Повелитель луж».
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
10:55 «Сам себе режиссер».
11:45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12:15 «Парламентский час».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 «Фитиль N57». Сатирический тележурнал.
14:05 Митхун Чакраборти в мелодраме «Семья».
16:00 ВЕСТИ.
16:10 Митхун Чакраборти в мелодраме «Семья». Продолжение.
17:05 ПРЕМЬЕРА. «Смеяться разрешается». Юмористическая программа.
19:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
20:00 «Специальный корреспондент».
20:25 Анатолий Горячев в комедии «Четыре таксиста и собака». 2004г.
22:35 Джет Ли, Бриджет Фонда и Чеки Карио в боевике «Поцелуй дракона» (Франция-США). 2001г.
0:35 Ник Нолти, Рэйф Файнс и Эмир Кустурица в остросюжетном фильме «Двойная удача» (Великобритания-Канада). 2002г.
2:50 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. Детектив «Прочная сеть-2»
3:30 Канал «Евроньюс»

Суврatлар муаллифи: Шавкат МУЗАФФАР.

***Aziz bolajonlar!** Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*



Suvrat va skanvord mualliflari aka-singil Hasan Zuhra Majidovalar. Ular Qarshi shahar M. Behbudiy nomli 4- maktabning 6-sinfida a'lo baholarda o'qiydi. Kelajakda Zuhra "Dizayner-modeliyer", Hasanjon esa rassom bo'lmoqchi. Shu tahlitda izlanish, intilish bo'lsa kelajakda o'z maqsadlariga etishiga shubhamiz yo'q.

1	M					
2	U					
	S		3			
4	T					
5	A					
6	Q					
7	I					
8	L					
	L			9		
10	I					
	K		11			

1. Qizlar ismi. 2. Ip yigirish anjomi. 3. Hassa. 4. Zuhra yori. 5. Dadaning opasi. 6. Kalta. 7. Avval. 8. Tog' guli. 9. Dunyo. 10. ... Al Buxoriy. 11. Ini.

OYMOMO

Oymomojon,
oymomo,
Yulduzlarga
boy momo.
Tunda
charaqlab
turgan,
Kunda qayga
yashingan,
Qanoting misli
tilla.
Oymomojon,
oymomo,
Ba'zan to'liq,
Ba'zan yarim
Oymomojon, oymomo.

Iroda IBROHIMOVA,
Toshent shahar,
110- maktabning 6 sinf oquvchisi.

TUSH

Dilshod degan bir quloqsiz bola bo'lgan ekan. U qushlarga tosh otib, mushuklarning dumidan tortar ekan. Bolalar u bilan o'ynamasa men bilan o'ynamasang ko'rasan, deb bolalarni o'rtasiga tushib, o'yinini buzar ekan. Qizlarning uzun sochidan tortib urushib qolisharkan. Bir kuni uyda hech kim qolmaganda Dilshod uxlabdi. Uni tushida bolalar, hatto, hayvonlar ham bizni tinch qo'y deb turtkilarkan. Dilshod uyg'onib bu tush ekanini bilib, ko'chaga chiqibdi. Ko'chada bolalar o'ynayotgan ekan. Dilshod bolalarga boshqa urushmaslikni va'da berib, ular bilan yarashibdi. Dilshod hayvonlar bilan ham do'stlashib oldi.

Jamoliddin ABDULLAYEV,
Toshkent shahar, Sirg'ali tumani,
304-maktabning 4 "v" sinf o'quvchisi.

KUTAMAN

Ona mehrin
qo'msayman,
Kutadirman doim
sizni.
Siz ketdingiz
bo'ldim xunob,
Yayrab-yashnab
yasholmadim.

Mehringizga
to'yolmaganman,
Bir kun diydor bo'lmasmi tortiq.
Kelsangiz bo'lmasmi axir,
Sog'inganman jonimdan ortiq.

Orzigul ASATULLAYEVA.

Jahongir FAXRIDDINOV,
Shahrisabz shahar Nafis San`at litsey o'quvchisi

(Боши ўтган сонларда)

Аммо уч тоифа кишига яхшилик қилиб бўлмаслигини ҳам эсдан чиқарманг.

Биринчиси- дангасага. Булар экин ўсмайдиган тошлоқ ёки шўр ерга ўхшайди. Унга қанча яхшилик уруғини экманг, фойдасиз, барибир униб чиқмайди.

Иккинчиси - орсиз, ҳаёсиз кишига; буларга яхшилик қилсангиз: мендан қўрққанидан яхшилик қиляпти, деб ўйлайди.

НАБИРАЛАРИМГА НАСИҲАТЛАР

Бундайлар тумшуқларини кўтариб, янада кўпроқ нарса талаб қиладилар. Бир марта навбатдаги яхшиликни қила олмай қолсангиз, ҳатто итдек қопиб ҳам оладилар.

Учинчиси- аҳмоқ кишига. Чунки улар сиз қилган яхшиликнинг қадрини билмайди, унинг фарқига ҳам бормайди. Демак, ўз қадрини билмаган одамга яхшилик ҳам қилманг, бундайлардан яхшиликни умид ҳам қилманг.

Яхшилик, эзгулик шундай бир қудратли мезонки, у орқали соқовлар тилга кириб, карлар эшитиши мумкин. Бир донишманддан инсоннинг узоқ умр кўриш сирларини сўрашибди. Шунда донишманд: "Одамларга яхшилик қиладиган, меҳр-мурувват кўрсатадиган, бағри кенг, оқил, саховатли инсонлар узоқ умр кўришади", деб лўндагина жавоб қайтарган экан. Умар Ҳайём эса; "Дўстга ҳам, душманга ҳам яхшилик қилиш яхшидир. Яхшилик қилишни ўзига одат қилиб олган одам ҳеч бир вақт ёмонлик қилмайди. Агар дўстингга ёмонлик қилсанг, у сенга ёв бўлади, душманингга яхшилик қилсанг, у сенга дўст бўлади!"- деган эканлар.

Одамларга зарур ва фойдали бўлиш, одамларнинг ғамини ейиш, ҳамиша одамларни ўйлаб, яхшилик қилиб яшаш - бу бахт. Яхши инсонлар, яхшилик қилувчилар эл-юртнинг севимли фарзандидирлар. Саввари коинот жаноб Расулуллоҳ (с.а.в.) муборак ҳадиси шарифларида шундай деганлар: "Ўзинг яхши кўрганингни кишиларга ҳам раво кўр, мусулмон бўласан, қўшинингга яхшилик қил - мўмин бўласан!", "Дунёда яхшилик қилувчи кишилар охиратда яхшиликка эришувчилардир. Яхшиликни раҳмдил умматларимдан истанглар".

Яхшилик инсонни турли хил балоқазолардан асрайди. Яхшилик ҳеч вақт ер да қолмайди. "Яхшилик қил- дарёга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса Холиқ билар", деган халқ мақоли мен яхши кўрган, ҳаётим давомида оғишмай амал қилиб келган ҳикматлардан. Шайх Саъдийнинг шундай ҳикматлари бор:

Яхшиликка -яхшилик, ҳар кишининг ишидир,
Ёмонликка - яхшилик, мард кишининг ишидир.

Азиз болажонларим. Бу дунёнинг фалсафаси - "қилмиш қидирмиш!". "Ҳаракатим кўп-у, омадим нега келмаяпти?", дегувчилар ҳам учраб туради. Ҳаётдан бундай нолишни ўринсиз, деб биламан. Қуйидагиларни доимо ёдингизда тутинглар ва тўғри хулоса чиқариб яшанглар! Баъзан қўлингнинг меҳнатини дилозор, ёлғончи ё мақтанчоқ тилинг ювиб кетади. Баъзан филдай меҳнат қилишинг мумкин, аммо ҳаром-ҳалолни ажратмаган феълинг ювиб кетади. «Тавба» ҳамишa тилингда бўлсин. Ҳазрати Навоийнинг бир гапини такрорлашни яхши кўраман: "Бировларнинг сенга қилган ёмонлигини, ўзингнинг ўзгаларга қилган яхшилигингни унут. Аммо ўзгаларнинг сенга қилган яхшилигини унутма". Агарда шу таҳлил ҳамиша сен билан бўлса, ҳеч вақт қисматингдан нолимайсан, азиз болажоним.

Мен табиатан кўп китоб, газеталар ўқийман, улардан ўзимга маъқул бўлган, таъсирчан, тарбиявий аҳамиятга молик маълумотларни алоҳида дафтарга кўчириб оламан.

БИРИНЧИ НАСИҲАТ: одамларнинг кўнгилларини оғритманг. Нодон ва хиёнатчиларга сиринглзини айтманг, улар билан кенгашманг. Олим ва фозилларга эргашинг. Мурувват аҳилларидан намуна олинг. Бировдан қарздор бўлсангиз, ваъда қилган кунингизда топширинг. Қўлингиздан келган хизматни ҳеч кимдан аяманг. Ҳар куни бошингизни ёстиққа қўйган вақтингизда кун бўйи қилган ишларингизни бирма-бир кўздан кечиринг, яхши иш қилган бўлсангиз севининг, маъносиз ишларингиз бўлса қайғуринг, тавба қилинг. Эртаси куни нима ишлар қилишингизни яхшилаб ўйлаб бир қарорга келинг, шу қарорларингиз бўйича иш олиб боринг.

ИККИНЧИ НАСИҲАТ: дўст, душман орасида юз қизартирадиган нарсаларни ушлашдан ҳазар қилинг, гўзал хулқли бўлиш билан шараф касб этинг. Тўғри йўлдан бир қарич ҳам айрилманг. Адабсиз, тарбиясиз билан ошна бўлсангиз, улар сизни ўз йўлларига тортадилар, даражангиздан туширадилар. Омонатларингизга хиёнат қиладилар, сирларингизни фош этадилар.

УЧИНЧИ НАСИҲАТ: бошқаларнинг айбларини кўрган вақтингизда ўз айбларингизни ҳам тушунинг, ўз айбини кўрган киши бошқаларнинг айби билан шуғулланмайди. Ёлғончилик билан шуҳратланманг, ҳамманинг назаридан қоласиз. Ҳар кимнинг даражасини билинг. Билмаган нарсаларингизни билмайман, дейишдан уялманг. Ўзингизга керак бўлмаган сўзларга аралашманг.

ТЎРТИНЧИ НАСИҲАТ: истаган нарсангиз бўлмай қолса, қайғуриб бетоқат бўлманг, сабр қилинг. Келгуси кунларингизни ўйланг. Хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри бўлган нарса учун сира ҳам қасам ичманг. Очиқ жойда қилиш уят бўладиган ишларни яширин жойда ҳам қилманг.

БЕШИНЧИ НАСИҲАТ: бир киши учун иккинчи бир киши билан орангизни бузманг. Улар мабодо дўстлашиб қолсалар, сиз уялиб қоласиз. Гўзал ишларни кўриб турувчи кўзлар ва қаламлар бордир. Ақлингиз - энг тўғри насиҳатгўй. Нодонликдан бошқа душмандан қўрқманг. Илм нурини бузуқлик суви билан ўчирманг. Одоб-ахлоқ кийимидан бошқа гўзал кийим топилмайди, буни унутманг.

ОЛТИНЧИ НАСИҲАТ: орангизда адоват, гинагўйлик давом этаётган бўлса, уларни бартараф қилиб дўстлашинг.

ЕТТИНЧИ НАСИҲАТ: одамлардан айб ахтариб юрувчи бўлманг, ўзаро келиша олмай бир-биргиздан узоқлашиб кетманг, балки дўстлашинг, бир оила аъзолари каби бир-бирингизга меҳр-муҳаббатли бўлинг. Зарурат бўлмаса, бировдан ҳеч нарса сўраманг, унинг миннатини кўтариб юрманг.

САККИЗИНЧИ НАСИҲАТ: ақл биз инсонларга улуғ ҳадя, улуғ неъмат деб билинг, уни соф ва комил равишда асрашга эътибор беринг. Уларни сақлаш ҳар кимнинг энг биринчи ва шарафли вазифаси эканини унутманг.

ТЎҚҚИЗИНЧИ НАСИҲАТ: икки юзлама мунофиқликдан, бахилликдан сақланинг. Ёлғончи, туҳматчи ва чақимчи бўлманг. Ваъдангизга вафо қилинг, меҳнатсевар, ишчан, ғайратли ва матонатли бўлинг. Одамларни кулдириш учун маъносиз, адаб, тарбияга хилоф бўлган сўзларни сўзламанг.

(Давоми бор)

Мансур АЛИЕВ.

ТЎЙДАГИ АЗА

Андижонда содир бўлган мана бу воқеага эътибор беринг.

Муборакхон деганлари янги чиққан бойлардан. Ўзиям тўлишиб, юмалоқлашиб кетганидан унча-мунча эшикка сиғмайди. Бичимига яраша тили ҳам салгина узунроқ. Маҳалла йиғинларида отинчаларга ҳам буйруқ бериб юбораверади. Тилла, олмос, марварид узуклар дўмбоқ бармоқларига ботиб кетган. Унинг эри пул топишдан бошқаси билан иши йўқ. Муборакхоннинг ўзи бош туриб, уйни ҳам шунақа таъмирлатди-ки, етти мўъжизанинг бирига айланди-қолди.

Бугун ана шу ҳовлида "сабзи тўғрар" маросими бошланди. Эртага бу хонадоннинг якка-ёлғиз ўғлига келинчак тушириб келишади. Тўйдан олдинроқ уй ишлари учун битта хизматкор ёллашди. Ҳайриятки, унинг оёқ-қўли чаққонгина экан. Муборакхон ҳовлининг салгина тўридаги тахтиравонга ўхшаш сўрига ўтириб олганича, хизматкор аёлга иш буюриб тинчитмайди. Эрининг чўнтак телефони ҳам бугун унинг ихтиёрига ўтган, казо-казоларнинг уйларига телефон қилиб тўйга айтаяпти. Ана шундай паллада хизматкор аёл дераза раҳида турган телефоннинг симини чувалаштириб, Муборакхон ўтирган жойга тавозе билан олиб келди.

- Сизни сўраяптилар, ойбону!

Муборакхон телефон гўшагини қулоғига қўйди.

- Алло! Эшитаман!.. Кимсиз? Гапиринг!

Гўшакдан кимнингдир оғир хўрсинган овози эшитилди. Сўнг қийналиб-иккиланиб таъкидлади:

- Мен Равшанойман!

Муборакхоннинг бирдан қошлари остин-устун бўлиб, гўшакнинг икки томонини кафтлари билан тўсди.

- Хўш! Яна қанақа даво-достонинг бор?

- Ҳеч қанақа. Тўйлар муборак бўлсин, деб қўймоқчи эдим.

- Нима демоқчи бўлсанг ҳам, кечаги айтган гапим—гап! Бўйингдагини кимдан илаштириб олган бўлсанг, ҳасратингни ўшанга қил! Уқдингми?!

- Унақа бўлса, эрталаб ҳовлингизга бориб, ўтириб оламан.

Шу билан алоқа узилди. Муборакхоннинг асабига ўт кетгандай бўлди. Гўшакни жойига қўйиб, пешонасига тепчиган терни артди. Ҳайриятки, ҳамма ўз иши билан овора бўлгани учун унинг рангини оқариб кетганига биров эътибор бермади. Муборакхон атрофга аланглаб, меҳмонлар билан чойлашиб ўтирган эрини топди-да, имлаб уни ёнига чақирди. Эри бир нарсани сезгандай, дарҳол унинг ёнига етиб келди.

- Ҳа, аяси, нима бўлди?

- Анави ярамас телефон қилди. "Эрталаб ҳовлингизга бориб ўтириб оламан", - деди.

- Кеча пул билан тинчитиб келаман, деб кетган эдинг-ку?

- Пулни олмади мутаҳҳам. "Гумонам ўғлингиздан", - деяпти. Абдушукурингиз ана шунга иқрор бўлиб турса нима қилай?

- Бўшлик қилибсан. Пул билан битириб бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Кудалар эшитиб қолса, нима деган одам бўламиз? Ўғлинг билан бориб, ўша касофатини ҳозироқ тинчитиб келинглар. Сен дарров тайёрланиб чиқ. Мен Абдушукурга нима қилиш кераклигини тушунтириб қўяман. Уйга кир, яхшиси ҳамма гапни сенинг олдингда айта қолай.

Муборакхон ойнага қараб, сочларини тўғрилагунча, эри Абдушукурни уйга бошлаб кирди. Сўнг унга ўқрайиб қаради.

- Нега анави шалтоғингни тозалаб қўймадинг. Уни бошқа шаҳарга ташлаб кел, деб айтган эдим-ку?

- Унамади, - тўнғиллаган бўлди Абдушукур.

- Бунақада аянгни юрагини туширишга қўясан-ку? Сенга бировларнинг қўли етмай турган дуру гавҳарни олиб бераяпмиз. Ҳозир аянг билан бориб, ўзингни шалтоғингни ўзинг тузатиб келасан. "Ҳомиланг мендан эмас", - десанг кифоя. У ёғини аянгни ўзи тўғрилайди. Чиқиб, дарҳол машинани юргаз...

Ўн дақиқа ҳам вақт ўтмай, онабола Равшаной ижарада турган хонадонга етиб келишди. Уйнинг эгаси уларни ичкарига бошлаётиб, бошини сарак-сарак қилди.

- Қийин бўлди-да, бечора қизга. Кеча сизлар келиб-кетгандан буён хонадан чиқмай йиғлаб ўтирибди. Сал шафқат қилинглар, битта бувисидан бошқа ҳеч кими йўқ экан. Сағирни ранжитиш яхши эмас.

- Ўзидан кўрсин, - жавоб қилди Муборакхон. - Хўрозга яқин келишдан олдин, кейинини ҳам ўйлаб кўриши керак эди.

- Йўқ айланай, - бош ирғади Мавжудахон ая. - Ўғлингиз билан ахду паймон қилишган экан. Қиз болага қийин.

Муборакхон чоғроққина хужра эшигидан ёнбоши билан бир амаллаб ичкарига ўтиб олди. Равшаной эскириб-титилиб кетган курсида кўз ёши тўкиб, маъюс ўтирарди. Муборакхон кира солиб мақсадга кўчиб қўя қолди.

- Нега ўғлимни тинч қўймайсан? Бирор марта белингдан тутган бўлса, тутгандир. Лекин гумонанг ўғлимдан эмас.

- Ўғлингизни ихтиёри ўзида, - маъюс таъкидлади Равшаной. - Агар, "Ҳомиланг мендан эмас", - деса, зорим бор-у, зўрим йўқ.

Муборакхон ўғлига маъноли боқди.

- Айт! Бир йўла орани очиқ қил. "Ҳомиланг мендан эмас", - деб айт!

Абдушукур аясининг ўткир нигоҳига чидай олмади. Шафқат кутиш бефойда эканлигини яхши билгани учунми, совуққина қилиб, шундай деди:

- Гумонанг мендан эмас.

Муборакхоннинг чеҳраси бирдан чаманлаб, Равшанойга юқоридан ғолибона боқди.

- Ана эшитдингми? Энди ҳар қанча даво-достонинг бўлса энангга бориб айтасан. Юр, ўғлим!

Мавжудахон аянинг кўзларига ёш қалқиб, Равшанойга ачиниб боқди. Равшаной эса оғир хўрсиниб, ич-ичидан қайнаб чиққан аламли изтироб исканжасида шундай деди:

- Ҳа майли, Худога солдим!

Муборакхон хона эшигидан яна ёнбоши билан чиқди. Унинг кайфияти шунақаям чоғ эдики, энди обрў-эътиборли кудалар билан борди-келдини жойига қўйиб, бемалол орзу-ҳавас кўрса бўларди. Очилиб-сочилиб, оппоқ "Нексия"нинг орқа ўриндиғига жойлашиб олгач, кафти билан Абдушукурнинг елкасига қоқди.

- Ҳайда! Бало-қазолардан қутулдинг. Унақаларга илашсанг, қозонинг мой кўрмайди, охуринг той кўрмайди.

Абдушукур маъноли энтикди. Машина силтаниброқ ўрнидан жилди. Яна ўн дақиқада бемалол, ҳеч нима бўлмагандай уйларига етиб олишади. Равшанойнинг тақдири бой хотинни заррача қизиқтирмасди. Олдинда уларни тўй-тантана кутаётганди. Машина сой кўпригига яқинлашганда, аллақаёқдан пайдо бўлган қоп-қора эшак, шаталоқ отиб худди машина томонга югурди. Хаёли паришонроқ бўлган Абдушукур буни салгина кейинроқ пайқади. Эшак устида одам борлиги ёки йўқлигини англаб етишга улгурмай, машина рулини кескин чапга бурди. Машина кўприк тўсиғига зарб билан урилиб, пастга қулади.

Одамлар ҳай-ҳайлашиб, сой бўйига югуришди. Машина сувга эмас, балки сой қирғоғидаги тошлоққа қулаб тушганди. Унинг ичидан она-болани чиқариб олиш осон бўлмади. "Сабзи тўғрар" бўлаётган тўйхонада бир зумда қий-чув бўлиб кетди.

Касалхонага етмай, Абдушукурнинг жони узилди. Жарроҳлар унга шундай ташхис қўйишди: рул чамбараги куёв боланинг жағига урилиб, пастки жағни бутунлай сўтиб юборган. Муборакхоннинг ҳам беш жойига шикаст етган бўлса-да, ҳарқалай нафас олиб турарди.

Тўй азага айланди. Бу воқеа хусусида биров у деди, биров бу деди. Баъзилар айбни қора эшакка қўйишди. Ҳатто унинг эгасини суриштиришга тушишди. Лекин бундан нима фойда?! Эшак барибир эшак-да!

Бу воқеа хусусида фақат бир киши тамомила бошқа хулосага келганди. Яъни Равшаной ижарада турган уйнинг эгаси Мавжудахон аянинг наздида Равшанойнинг: "Худога солдим!" - дея айтган ноласи ўша лаҳзада Тангрига етиб борганди. Демак, ахди-вафони бузганга Тангрининг жазоси тайин экан. Негаки, бу воқеа тасодиф бўлганида, "Гумонанг мендан эмас", - дея мунофиқлик қилгани учун рул чамбараги айнан Абдушукурнинг лабзи-даҳанини сўтиб юбормас эди-да.

Комилжон НИШОНОВ,
Андижон шаҳри.

ҚИССАДАН ҲИССА

Қайтар Дунё

...У вақтларда мен янги келинчак эдим. Онамиз раҳматлик ўтиб кетган, холамиз она ўрнида бизни узатган эдилар. Поччам катта тижоратчи бўлиб, беш-олтита дўконлари бўларди. Уйлари ўша даврдагилар сўзи билан айтганда "қаср", ўзлари "торгаш" эдилар.

Ҳайит арафасида мен келинойимдан хабар олгани боргандим. Дарвоза тақа-тақ берк. Ҳайрон бўлиб, кетмоқчи бўлиб турганимда, ичкаридан холамнинг овози эшитилди:

- Умри, мен уйдаман, қўшни болаларга айтгин, девордан ошиб тушиб, дарвозани очиб беришади, тезроқ киргин.

Бир амаллаб дарвозани очиб, ичкарига кирдим-у, холамнинг аҳволларини кўриб йиғлаб юбордим. Холам бечоранинг бир қўл ва оёқлари ишламай, ётиғлик бўлиб қолган эдилар. Ишламайдиган қўллари билан бироқ жойига қўяман, деб ўзлари кроватдан ағдарилиб кетганлар, тувак устиларига тушган, уст-бошларига, ундан ҳам бурун холамнинг аччиқ кўз ёшларига чидаб бўлмас эди. Холам жуда озода, оппоқ пахтадай, қош-кўзлари пиликдай, фариштадай аёл эдилар.

Муборакхон ўғлига маъноли боқди.

- Айт! Бир йўла орани очиқ қил. "Ҳомиланг мендан эмас", - деб айт!

Абдушукур аясининг ўткир нигоҳига чидай олмади. Шафқат кутиш бефойда эканлигини яхши билгани учунми, совуққина қилиб, шундай деди:

- Гумонанг мендан эмас.

Муборакхоннинг чеҳраси бирдан чаманлаб, Равшанойга юқоридан ғолибона боқди.

- Ана эшитдингми? Энди ҳар қанча даво-достонинг бўлса энангга бориб айтасан. Юр, ўғлим!

Мавжудахон аянинг кўзларига ёш қалқиб, Равшанойга ачиниб боқди. Равшаной эса оғир хўрсиниб, ич-ичидан қайнаб чиққан аламли изтироб исканжасида шундай деди:

- Ҳа майли, Худога солдим!

Муборакхон хона эшигидан яна ёнбоши билан чиқди. Унинг кайфияти шунақаям чоғ эдики, энди обрў-эътиборли кудалар билан борди-келдини жойига қўйиб, бемалол орзу-ҳавас кўрса бўларди. Очилиб-сочилиб, оппоқ "Нексия"нинг орқа ўриндиғига жойлашиб олгач, кафти билан Абдушукурнинг елкасига қоқди.

- Ҳайда! Бало-қазолардан қутулдинг. Унақаларга илашсанг, қозонинг мой кўрмайди, охуринг той кўрмайди.

Абдушукур маъноли энтикди. Машина силтаниброқ ўрнидан жилди. Яна ўн дақиқада бемалол, ҳеч нима бўлмагандай уйларига етиб олишади. Равшанойнинг тақдири бой хотинни заррача қизиқтирмасди. Олдинда уларни тўй-тантана кутаётганди. Машина сой кўпригига яқинлашганда, аллақаёқдан пайдо бўлган қоп-қора эшак, шаталоқ отиб худди машина томонга югурди. Хаёли паришонроқ бўлган Абдушукур буни салгина кейинроқ пайқади. Эшак устида одам борлиги ёки йўқлигини англаб етишга улгурмай, машина рулини кескин чапга бурди. Машина кўприк тўсиғига зарб билан урилиб, пастга қулади.

Одамлар ҳай-ҳайлашиб, сой бўйига югуришди. Машина сувга эмас, балки сой қирғоғидаги тошлоққа қулаб тушганди. Унинг ичидан она-болани чиқариб олиш осон бўлмади. "Сабзи тўғрар" бўлаётган тўйхонада бир зумда қий-чув бўлиб кетди.

Касалхонага етмай, Абдушукурнинг жони узилди. Жарроҳлар унга шундай ташхис қўйишди: рул чамбараги куёв боланинг жағига урилиб, пастки жағни бутунлай сўтиб юборган. Муборакхоннинг ҳам беш жойига шикаст етган бўлса-да, ҳарқалай нафас олиб турарди.

Тўй азага айланди. Бу воқеа хусусида биров у деди, биров бу деди. Баъзилар айбни қора эшакка қўйишди. Ҳатто унинг эгасини суриштиришга тушишди. Лекин бундан нима фойда?! Эшак барибир эшак-да!

Бу воқеа хусусида фақат бир киши тамомила бошқа хулосага келганди. Яъни Равшаной ижарада турган уйнинг эгаси Мавжудахон аянинг наздида Равшанойнинг: "Худога солдим!" - дея айтган ноласи ўша лаҳзада Тангрига етиб борганди. Демак, ахди-вафони бузганга Тангрининг жазоси тайин экан. Негаки, бу воқеа тасодиф бўлганида, "Гумонанг мендан эмас", - дея мунофиқлик қилгани учун рул чамбараги айнан Абдушукурнинг лабзи-даҳанини сўтиб юбормас эди-да.

Комилжон НИШОНОВ,
Андижон шаҳри.

ҚИССАДАН ҲИССА

Қайтар Дунё

Ҳаммаёқни тартибга келтиргач, холамга тинчлантирувчи дори бердим. Аммо, дорининг нафи бўлмади. Кун бўйи оч-наҳор ётган холажонимга тезгина хушхўр қилиб пиширибқелган суюқ овқатимни оғзиларига тутдим, у ҳам татимади. Холам бечора бир-икки қошиқ тотинган бўлдилар-у, хўнграб йиғлаб юбордилар.

- Бола-чақа қилиб, роҳат кўрарман, деб ўйлабман. Мана, роҳатим — ҳайҳотдек ҳовлига боғланган итдек пойлоқчи қилиб кетишди. Илоё келиним ҳам шу кўрганларимни кўрсин. Неварам: "Ҳеч бўлмасам бувимнинг олдиларида мен қолай", - деса, "Йўқ, бриллиантларни тақиб кетган аммажонларинг қолсин! Сен тоғангнинг туғилган кунига мен билан бирга борасан!" - деб олдига солиб олиб кетди. Умри, қизим! Оллоҳ насиб қилса, фарзандлар берса, қизми, ўғилми, ҳеч қачон эркалаб-талтайтирмагин. "Эркаласа онаси - талтаяди боласи". Мана, уч қиз, бир ўғлининг қай бири ҳозир ёнимда?! Ахир, не-не орзу-умидларда "пах-пах"-лаб, емай- едириб, киймай-кийдиргандим. Бировдан кам қилмай, ўқитиб, уйли-жойли қилгандик. Учта қизнинг барига қиладиганимни қилгандим, берадиганимни бергандим. Камига шу бугун кичкина қиз: "Тўйга бораман", - деб бўйнимдаги троссни, қулоғимдан бриллиант зираклари қўлимга тақиб қўйдилар. Менинг қаршилигимга жавобан: "Бу сенга меҳрибонлигинг, беминнат дастёрлигинг ва бир умр меҳр-мурувват кўрсатганинг учун мукофот, эсдалик. Қиз кўрсанг, узатганингга унга тақасан", - дея дуо қилдилар ва: "Энди борақол, яна барвақт келишингга тўғри келади", - деб қўшиб қўйдилар. Ўшанда ҳайрон бўлгандим. Холам айтганларидек, эртасига бир ўзим эмас, оилам билан уларни охирги йўлга кузатиш учун боргандик...

Мана, ўттиз йиллар ўтиб кетибди, шунга ҳам. Ҳаммамиз ҳам Оллоҳ берган умримизни яшадик, бола-чақалик бўлиб, турмушнинг аччиқ-чучук дамларини ўтказдик. Ширин ташвишларини ҳам кўрдик. Оллоҳга шукр, фарзандларимизнинг, невараларимизнинг роҳатини кўриб яшаяпмиз.

Бугун фалакнинг гардиши айланиб, холам раҳматликнинг ўрниларида келинойим ётибдилар. Кўз олдимдан кино тасмасидай, ўша ҳолат такрорланаяпти. Келинойим ёнларида ҳамшира ўтирар, ҳар ҳолда ёлғиз эмасдилар. Аммо келинойим тўйга кетган ўғил-қизларини қарғаб, тинмай жаврар эди. Уларга ачиниб кетдиму, ўйладим: қайтар дунё деб шуни айтсалар керак-да...

Умри холанинг айтганларини оққа кўчирувчи:

Манзура САФАРОВА.

ҚОЛГАН УМР ЕТАРМИКАН?

- Газетангизнинг бирор сонини қолдирмай ўқийман,- дея гап бошлади, таҳририятимизга ташриф буюрган 50 ёшлардаги аёл. -Унда ҳикоя қилинаётган тақдирлардан таъсирланиб, бу ерга кўнглимни "ёриш" учун келдим. Мен ҳам орзу-ҳаваслар билан севишиб турмуш қурган эдим. Эрим жуда ҳалол, дилкаш, иймонли инсон эди. 7 йил бир-биримизни авайлаб, ардоқлаб яшадик. Аммо, биргина тирноққа зор бўлдик. Қайнонам: "Ўғлим, сен туфайли бу дунёдан зурриёдсиз ўтиб кетаяпти",- деб юзимга сола бошлади. Кўринмаган шифокору табибимиз қолмади. Ҳаммаси ҳам: "Касалингиз йўқ, сабаби-жумбоқ",- деган гапни такрорларди. Эрим эса менинг "жавобимни" беришни истамасди. "Бола асраб олайлик",- дерди. Мен хоҳламадим.

Ўз фарзандимиз бўлишидан умидвор эдим. Фарзандлик бўлсак, сақлаб олган боламиз ўксиб қолади, деб ўйлардим.

Ахийри қайнонамнинг таъналари жонимга тегди. Эрим илмий иш бўйича бошқа юртга кетган эди. Бир-икки кийимимни олиб, ота уйимга кетдим.

- ***Нега айнан шу пайтда...***

- Эрим келса менинг кетишимга йўл қўймасди. Мен тақдирга тан бергандим. Эримнинг бошқага уйланиб (гарчи, бу мен учун оғир бўлса-да) фарзандли бўлишини истардим.

- ***Уйландиларми?***

- 5 йилгача уйга қайтишимни кутиб яшади. Мен ўзимни азоблаб бўлса-да, қайтмадим... Сўнг тўрт болали, хотини оламдан ўтган эркакка турмушга чиқдим. Ҳар ҳолда эркакнинг ўз болалари... мен эса бор меҳримни уларга беришни ният қилгандим. Ундан кейин "Эрим мендан кўнглини узсин", дегандим. Шундан сўнг эрим ҳам бир болали хотинга уйланди. Ва кўп ўтмай оламдан ўтди... Барибир кўнглим унда эди. Жуда изтироб чекдим. Кейинги эримнинг болаларига ўзимни бағишладим. Оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдим. Улар ҳам мени ўз оналаридек кўриб ўсишди. Бир-биримизга жуда меҳрибон эдик. Мана ўшанга ҳам 20 йил бўлди. Болаларим билан жуда иноқ, тотув яшаётгандик. Ҳозир улар балоғат ёшида. Ўзим олий маълумотлиман. Ишим яхши. Нуфузли идорада ишлайман. Моддий жиҳатдан уларни ўзим таъминладим, ўқитдим. Энди уйлантириш, узатиш ташвишлари билан юргандим... Аммо, ўртада эримнинг қариндошлари "меҳрибон" чиқиб қолишди. Ўғлимга ўз онасининг қариндошидан келин қилмоқчи бўлганимни эшитиб, болаларимни менга қарши қўйишга ҳаракат қилишаяпти.

- ***Болалар-чи?***

- Улар ҳам ўзгаргандек... Аммо, кенжа қиз: "Онажон, сиз менинг онамсиз. Ким нима деса, деяверсин",-деб кўнглимни кўтаради. Ўғилларнинг муносабати-баъзан жеркиб ташлашларидан ўксиб қоламан. Ўзимча уйдан бош олиб, чиқиб кетайми, дейман. Қизимни ўйлайман. Наҳотки, 20 йиллик меҳрим, меҳнатим зое кетган бўлса! Ахир, мен уларни "ўз болаларим", девдим-ку! "Тукқан эмас, боққан ҳисоб", деган гаплар бекор экан-да. Нима қилишга ҳайронман.

- ***Бу ерга ташриф буюришдан мақсадингиз...***

- Ўзим сингари кўнгли ярим, фарзандсиз одамга турмушга чиқсаммикан? Қолган умримни ўзимга бағишласаммикан?" деб ўйлаб қолдим. Аёл намланган кўзларига рўмолча босди.

- ***Эрингиздан қонуний ажрашганмисиз?***

- Йўқ, ҳали...

- ***Аввалambor, таҳририят "боши очиқ" одамларга хизмат кўрсатади. Ундан кейин бизнинг вазифамиз-оилани иккига бўлиб юбориш эмас, оилада руҳий бутунлик вужудга келишида имкон қадар ёрдам бериш. Менимча, сиз ҳам, фарзандларингиз ва уларнинг отаси билан очиқчасига гаплашиб олганингиз маъқул. Уларда ҳам юрак бор-ку! Ҳаётни эса орқага қайтариб бўлмайди. Яна бошқа бир одам билан турмуш қуриб, эъзоз топгунингизча қолган умр етармикан?..***

Сиз нима дейсиз, азиз мухлис?

Санобар ФАХРИДДИНОВА

Ёшим 47да. Олий маълумотлиман. Нуфузли идорада масъул вазифада ишлайман. Ажрашганман. 2 фарзандимни олиб онаси чет мамлакатга кетган. Умидли дунё, дейдилар. Ҳаётимни йўлга қўймоқчиман. Вазмин, ҳаётнинг оқ-қорасини тушунган, оқила, фарзандсиз аёл билан турмуш қуриш ниятидаман.

Манзилим таҳририятда. Асилбек, Тошкент.

Чиройли аёлга уйланиб оғзим куйди. Ҳозир онам билан тураман. Ишлайман, чекиш, ичишдан йироқман. Мен уйланадиган қиз ёки жувон олий маълумотли, тошкентлик бўлиши керак.

Манзилим таҳририятда. Сайфиддин, Тошкент.

Укамнинг ***ёши 29 да***.Ажрашган, 3 нафар фарзанди бор. Биттаси ўзи билан. Ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Соғлом йигит.

Бир қадам нарида нима бўлишини билмаскан одам. Энди қатиқни ҳам пуфлаб ичади. Шу боис зарарли иллатлардан йироқ, покиза, ширинсухан, кўҳлик қиз ёки фарзанди йўқ аёл бўлса, зора юлдузлари тўғри келса...

Манзилим таҳририятда. Моҳинур опа, Тошкент.

Ёшим 43 да. Тақдир экан, аёлимнинг умри қисқа бўлди. 2 нафар фарзандим бор. Уй-жойим тайин. Маданият соҳасига алоқадор инсонман. Олий маълумотлиман. Нозик дидли, покиза аёлларни қадрлайман. Болаларимга оналик меҳрини бераоладиган аёл билан ҳаётимни боғламоқчиман.

Манзилим таҳририятда. Шукрулло, Тошкент.

Ёшим 30 га кирди. Аммо ҳали тўйим бўлмади. Оиламиздаги қийинчилик туфайли Тошкентга келиб тирикчилик қилиб юрибман. Бошпанам ҳам йўқ. Бир қанча ажрашган йигитлар тўйсиз уйланамиз деб оғиз солишди. Аммо менинг гўшанга кўриш орзуйим бор. Балки Тошкентда яшайдиган, менинг истакларимни тушунадиган тенгим топилар.

Манзилим таҳририятда. Хонимжон, Хоразм.

Қизимнинг ***ёши 24 да***. Истарали. Чеварлик ва пазандалик курсларида ўқиган. Тортинчоқлиги сабаб шу пайтгача бирор йигит билан гаплашмаган. Зора таҳририят орқали ўз тенгини учратса ...

Манзилим таҳририятда. Гулшан опа, Тошкент .

Қизимизни одобли, ҳаёли, пазандаю сариштa қилиб тарбияладик. Дипломли, иши ҳам яхши. Вақтида тўйи ҳам бўлиб кетарди. Аммо совчиларнинг кети узилмай қолган пайтда бирига розилик бердим-у, хатога йўл қўйдим. Яхшиямки ўз вақтида тўйни қайтардик. Чунки йигит гиёҳванд эканлигини билиб қолгандик. Шу бўлдию, қизимнинг бахти қайтди. Ахир унинг айби йўқ-ку. Балки яхши бир оила билан қуда бўлармиз.

Манзилимиз таҳририятда. Бахтиёр ота, Тошкент.

Касбим ҳамширалик. Онамнинг узоқ йиллар бетоб ётганлиги сабаб бўлиб вақтида турмушга чиқолмадим. ҳозир 39 ёшдаман. Жуда тортинчоқман, шу сабаб кам гап, камтарин эркакларни қадрлайман. Тенгим бўлса овоз берсин.

Манзилим таҳририятда. Дилсора, Тошкент.

Додамнинг ***ёши 75да***. Ҳали жуда бақувват. Ўқимишли, олийжаноб инсон бўлганлиги сабаб биз фарзандлари ҳам илмий даражаларга эришдик. Оиламиз бошлиғига бир ҳамроҳ, яхши жуфт керак. Фақат у аёл ҳам оиламизга мос бўлиши лозим.

Манзил таҳририятда. Шукрулло, Тошкент.

19 ёшимда ота-онам турмушга беришди. Келин бўлган жойим жуда яхши эди. Аммо беш йил яшасак-да фарзанд бўлмади. Қайнонамнинг феъли ўзгариб, мени отамнинг уйига қўйиб кетди. ***Ёшим 28 да.*** Балки турмуш қурсам, фарзанд ҳам бўлар. Чунки дўхтирлар айб менда эмаслигини айтишган.

Манзилим таҳририятда. Гулруҳ , Самарқанд.

Ўғлимнинг ***ёши 45да***. Олий маълумотли. 3 нафар фарзанди бор. Ажалга чора йўқ экан, хотини оламдан ўтди. Шу фарзандимнинг бошини иккита қилиб қўйсам, дейман. Иймон-этиқодли, вазмин, фариштали, ўғлимнинг фарзандларига ҳам оналик қиладиган аёл бўлса овоз берсин.

Манзилим таҳририятда. Мамнуна опа, Тошкент.

60 ёшли отахоннинг ҳаёти мени ўйлантиради. Мен қўшнисиман. У жуда бамаъни, салобатли, феъли кенг инсон. Тўғри, келиннинг оқилалиги сабаб доим озода, овқати тайёр ҳолатда яшайди. Аммо кун узоғига ҳовлидаги ўтирғичда ўтиришидан жуда зерикаётганлигини сезаман. Балки қайдадир бир ҳамроҳ бўла оладиган диёнатли аёл ҳам ўзини ёлғиз сезаётгандир.

Манзил таҳририятда. Сафоқул, Самарқанд.

Қиз бола бахтидан тинсин экан. Икки йилдирки, неварамнинг мунгли кўзларига қараб эзиламан. Яқин дугонамнинг бадавлат опасига қизимни келин қилиб бердим. Куёвимнинг гиёҳвандликка ружў қўйганлигини кеч англаб қолдик. Шу туфайли ўғли ногирон туғилди. Қизимни ёши 30 да. Олий маълумотли, ўз ишининг устаси бўлганлиги сабабли чет элга ишга таклиф қилишганида, розилик бермай эрга бергандим. Энди пушаймонман. Балки, соғлом ва ақлли тенги чиқиб қолар.

Манзилим таҳририятда. Мамлакат. Тошкент.

Ёшим 41 да. Олий маълумотлиман. Отам билан яшайман. Иш билан, укаларимнинг ташвиши билан бўлиб йиллар ўтганини билмай қолибман. Қўлимдан келмайдиган иш йўқ. Уй-жойли, касбикори тайин йигит билан турмуш қуриш ниятидаман.

Роҳатхон, Тошкент.

Аввал ўқидим, кейин тайинли иш топишга ҳаракат қилдим. ***Ёшим 33*** га кирганини сезмай қолибман. Уй-жойим бор. Тенгим бўлса, уйланиб, оила қурмоқчиман.

Манзилим таҳририятда. Баҳодир, Қашқадарё.

Аёлим рус миллатига мансуб бўлгани учун икки қизимни олиб Россияга кетиб қолди. Мен эса ўз юртимни ташлаб кетолмадим. Беш йилдирки, ҳайҳотдек ҳовлида ёлғизман. Топиш-тутишим яхши. Фақат уй-жойим, дейдиган аёл керак.

Манзилим таҳририятда. Рустам, Тошкент.

Қудамнинг ***ёши 65да***. Бир-бирига мос чол- кампирларга доим ҳавас қилардим. Аммо бевақт ажал уларни айирди. Баъзан кўришиб қолганимизда қудам ёлғизлик қанчалар оғир эканлигини гапириб қолса, сўлғин юзига қараб эзилиб кетаман. У олий маълумотли, яхши ишларда ишлаган. Аллоҳида уйи ҳам бор. Фақат оқила аёл керак.

Манзилни таҳририятдан олинг. Муҳаммад, Тошкент вилояти.

Ёшим 26да, тақдирмикан, оилам бузилди. Аммо менинг ҳам бу дунёга келиб жуфтлашиб яшашга ҳаққим бор-ку. Рўзғор ишларини қилишдан эринмайман. Оилали, бахтли-тахтли бўлиш эзгу орзуим.

Манзилим таҳририятда. Нигора, Оҳангарон.

Укам табиатан камгап йигит. Бўлар-бўлмасга "очилиб-сочилавермайди". Коллежда ишлайди. Ростгўйликни, ҳалолликни яхши кўради. ***Ёши 33 да***.Келин танлашда адашдик шекилли, оз муддатда муросалари тўғри келмай ажрашишди. Боласи йўқ. Укамни қиз ёки боласиз жувон бўлса, уйлантириш ниятидамиз.

Манзили таҳририятда. Зумрад опа, Тошкент тумани.

Укамнинг бахтига кўз тегди-жуда оқила келинимиздан айрилиб қолдик. 7 ойгина бирга яшашди. Аммо ҳаёт давом этар экан, бир жуфти ҳалоли бўлмаса қийин. Касби ошпазлик. Отам билан яшашади. Ақлу- одоби бенуқсон, андишали қиз ёки боласиз жувон бўлса овоз берсин.

Манзилим таҳририятда. Алишер, Тошкент.

Ўғлимнинг ***ёши 35да***. Олий маълумотли. Тадбиркорлик билан шуғулланади. Кўриниши нуқсонсиз. Хотини билан феъллари тўғри келмай қолиб ажрашди. Битта фарзанди хотинида. Ўғлимга қараб кўнглим оғрийди. Ҳали бир кўҳлик қизни бахтиёр қиладиган йигит. Бахтини топса дейман-да.

Манзилим таҳририятда. Гуландом опа, Тошкент.

Саранжом-сариштa бўлиш аёл учун жуда муҳим деб ўйлайман. Шу сабаб хотиним билан ажрашганман. Чунки жуда юзимни шувит қиларди. Менинг кўнглимни тушунган, ораста аёл бўлса уйланардим.

Манзилим таҳририятда. Камолбек, Тошкент.

Саҳифани МАТЛУБА ва САНОБАР тайёрлашди.

БИТ–қонингизни сўради



Битлар – инсон танасининг турли жойларига ёпишиб олиб қон сўрадиган паразит ҳашоратлардир. Улар бош ва тананинг жунли жойларида пайдо бўлишади. Сочдаги битлардан фарқли равишда майда битчалар (лобковой) жинсий алоқа орқали юқсалар-да, венерик касалликлар қўзғамайди. Майда битчаларни кўп қаватли уйлардаги ҳожатхоналарга ўтиришдан ҳам юқтириш мумкин. Бит чақишидан нина учидек, кичик қизимтир излар қолади. Бу эса терини қаттиқ қичиштиради. Кўпчилик бу майда паразитлардан қандай қутулишни билмай юришади. Қуйида эса қандай қилиб битлашнинг олдини олиш, улардан қутулиш ҳақида маълумотлар берамиз.

БИТЛАШ: ЧАҚИРИЛМАГАН "МЕҲМОНЛАР"

Сочларнинг битлаши кишини уятга қўйиши билан бирга саломатлик учун ҳам хавфлидир. Шуниси қизиққи, битларнинг қандай қилиб пайдо бўлишини ҳанузгача ҳеч ким билмайди. Бироқ уларнинг "макони" - микроб бор жойдир.

Бит ҳеч қачон ҳайвонлардан юқмайди. Улар фақат инсон танасида пайдо бўлиб, одам қонини сўриб озиқланади.



Битнинг сочга ёпишган сиркалари.

Уларнинг тури уч хил бўлиб, сочда, кийим чокларида бўлади. Асосан сочларнинг битлаши кўп кузатилади. Айниқса, қулоқ ортида кўпроқ ғивирлашади. Баъзан сочларда жуда кўпайиб кетганда улар тана бўйлаб ёйиладилар.

Битлар ойлаб ювинмасдан юрадиган, кийимларини вақтида алмаштирмайдиган, шунингдек, асабий кишиларда кўп урчийди. Бироқ озода юрадиганлар ҳам бундан мустасно эмас. Масалан, бирор транспортда кетаётганингизда ёнингиздаги боши битлаган йўловчи бошини салгина силкитса бас, битта-иккита бит бошингизга тушиб қолса ҳам тезда кўпайиб кетади. Шунинг учун тароқ, ишқалагич, бош кийимларни алмаштириш мумкин эмас. Битлардан болалар кўпроқ азият чекишади. Чунки боғча ва мактабда улар бир-бирлари билан жуда яқин мулоқотда бўлишади. Болалар қизиқувчан бўлишгани учун кўпинча шапка ёки телпакларини алмаштириб кийиб олишади. Ёки мактабдаги ўқувчилар жисмоний тарбия дарсида бит юқтиришади. Биринчи бўлиб матрас устидан умбалоқ ошган боланинг боши битлаган бўлса, албатта матрас устига тўкилади. Кейингиси эса ўша ердан бошига бит илаштириб олади.

Битлар очликка чидай олмайдилар. Улар сўрган қонлари 24 соатгагина етади. Агар шундан кейин у дарҳол янги озуқа манбасини топмаса, ҳалок бўлиши табиий. Улар ўз туҳумлари - сиркани жуда авайлайдилар. Сирка бошни силкитганда ҳам тушиб кетмайди. Чунки она бит сиркаларни соч толасига ёпиштириш учун махсус елим ишлаб чиқаради. Бит бир-икки ой ичида 150 дона тухум қўяди.

■ Бошдаги битларни батамом йўқотишнинг энг яхши усули сочни қириб ташлашдир.

■ Икки ош қошиқ қуритилган ялпиз ўтлари устига 1 стакан анор шарбатини қуйиб, 10 минут қайнатинг. Сўнг бош терисига суриб, икки соатдан кейин илиқ сув билан ювиб ташланг.

ВАҚТИДА ЙЎҚОТИНГ!

Бош битлаганини билиш қийин эмас. Сал-сал қичишиб юрган бошингиз икки-уч кундан кейин чидаб бўлмайдиган даражада қичиб, қўлни бошдан олиб бўлмай қолади. Ҳатто, сочларни яхшилаб ювгандан кейин ҳам баъзан қичиши тўхтамайди. Бит бор, йўқлигини аниқлаш учун оппоқ рўмолни ерга ёйиб, тароқ билан сочларингизни яхшилаб таранг.

Агар бу қонхўрларни вақтида тозалаб йўқотмасангиз, бетиним қичийверишидан сўнг бош терингизда йирингли қават пайдо бўлади. Бу ҳолда сочни тараб бўлмай қолади. Энг хавфли томони шундаки, йирингли қават остига юзлаб битлар жойлашиб олиши мумкин. Бунинг саломатлик учун зарари ҳам катта. Чаккадаги лимфа томирлари сезиларли даражада катталашади. Болаларнинг бошида эса дерматит пайдо бўлади. Шунинг учун битларни дарҳол йўқотиш чораларини кўриш тавсия этилади.

ДОРИХОНАГА ЮГУРИНГ!

Битларни фақат паразит ҳашоратлар, деб ўйлаш нотўғри. Энг ёмон томони шундаки сочлар таралганда танага тароқ орқали битларнинг чиқиндилари ҳам тушиши мумкин. Бу эса саломатлик учун жиддий хавф туғдиради. Айниқса, лимфа тугунлари зарарланиб, тиф, безгак касали келиб чиқишига сабаб бўлади. Тананинг қаршилик кўрсатиш қуввати (иммунитет) пасайиб кетади.

Жинсий аъзоларда бўладиган майда битчалар. (лобковой)

Дорихоналардан турли кимёвий воситаларни олиб, фойдаланганингизда уларнинг сақланиш муддатига эътибор беринг. Чунки битнинг тухумлари ҳар қандай кимёвий дориларга чидамли бўлади.

ТАБИИЙ УСУЛЛАР БИЛАН...

Паразитларни йўқотадиган воситалар ҳамма дорихоналарда ҳам учрайвермайди. Шунингдек, "Бу воситалардан болалар, эмизикли ва ҳомиладор аёллар фойдаланиши мумкинми?" - деган савол туғилади. Дорихонадан олинган воситаларни фақат 5 ёшга тўлган болаларгагина ишлатиш тавсия этилади. Болаларнинг териси нозик бўлса, эмизикли аёлларнинг сути орқали болага таъсир этиши ва ҳомиладор аёлларнинг ҳомиласи ногуд бўлиши мумкин.

Соч ва кийимда учрайдиган бит.

Шундай экан улар бит билан қандай курашишлари керак?

"Чақирилмаган меҳмонлар"ни табиий усул билан йўқотиш ҳам мумкин.

■ 50 грамм қирғичдан чиқарилган кир совунни ярим стакан керосин ва 900 миллилитр сув билан аралаштирасиз-да, пахта билан бошингизга сурасиз. Сўнг чит рўмол билан танғийсиз. Бир соатдан кейин сочларингизни беш фоизли сирка билан ювиб ташланг. Бу усулни 7-10 кундан кейин яна такрорланг. Бош терингиз куйиб, бир умрга кал бўлиб қолмаслигингиз учун керосиннинг ўзидан ва бензиндан ҳеч қачон фойдаланманг.

■ Бир бош саримсоқпиёз ва икки дона қирғичдан чиқарилган пиёз бўтқасини бошингизга суринг. 15-20 минутдан кейин ювиб ташланг. Бошингиздаги бит ва сиркалар бутунлай йўқолгунча ушбу усулни яна такрорлайверинг.

■ Янги узилган эрмон (полынь) ўтини майдаланг. 1:3 миқдорида вазелин билан аралаштиринг. Бу аралашмани бошингизга бир-икки марта суриб, икки соатлардан кейин илиқ сув билан ювинг.

■ Агар қиш ойида битлаган бўлсангиз, кундалик кийимларингиздан шляпа, рўмолларингизни кўздан кечириб чиқинг. Рўмолни қайноқ сувда ювиб дазмолланг, шляпани эса чангютгич билан тозаланг. Мабодо, битта бит қолиб кетган бўлса ҳам яна қайтадан кўпайиб кетади. Шунинг учун бу ишларни диққат ва эътибор билан бажаринг.

ЧОКЛАРНИ ТАНЛАЙДИЛАР

Кийим битлари жуда айёр бўлишади. Уларни бир қараганда топиш қийин. Чунки улар инсон қонига тўйиб олишгач, кийим бурмалари ва чоклари орасига яшириниб оладилар. Бу битлар ич кийимлар чокини маъқул кўришади, айниқса ич кийимларини алмаштирмай, ювинмасдан юрадиган одамларда кўпроқ учрайди.

Шунинг учун ҳар бир инсон албатта шахсий гигиена қоидаларига амал қилиши керак.

ЭҲТИЁТ БЎЛМАСАНГИЗ...

Энг кичик ва жуда юқумли битлар-жинсий алоқа ва венерик касалликлар орқали ҳам юқади. Бундай битларни кимёвий, ҳамда табиий воситалар билан йўқотиб бўлмайди. Уни тери-таносил касалликлари шифохонасидагина даволайдилар.

■ Битлар ҳақида гап кетаркан, энг юқумли майда битлар (лобковой вши) юқишига сабаб бўладиган тасодифий яқинликлардан эҳтиёт бўлинг. Бу битлар жинсий алоқа, чойшаб ва сочиқлардан ҳам юқиши мумкин. Урғочи

Жанубий ўлкаларда яшайдиган қора танли одамлар ҳеч қачон бит-разитларнинг тез ҳалок бўлишига сабаб бўлар экан.

бит ҳар куни 8-10 донагача тухум қўяди. Улар эса 10 кун ичида битга айланади ва тез тарқалиб қон сўришга киришадилар. Энг муҳими шундаки, улар кўзга унча ташланмайди. Фақат диққат билан қаралгандагина қора-кул ранг ва пушти рангдаги битларни ва тўқ-жигарранг тухумларини кўриш мумкин.

Майда битларни фақат дорихоналарда сотиладиган воситалар билан йўқотиш мумкин. Дори ишлатишдан аввал танангизни диққат билан қараб чиқинг, баъзан битлар қалин ўсган қош ва соқоллар орасига ҳам жойлашиб оладилар. Агар ўзингизда майда битлар борлигини сезган бўлсангиз, қуйидагича курашсангиз, улардан қутуласиз.

■ Иссиқ сув тўлдирилган ванна қабул қилиб, ювингач, сўнг артининг.

■ Битлаган жойларингизни , 5 минут давомида битларни йўқотишга мўлжалланган воситалар билан ювиб, тозаланг. Буни ҳафтада бир марта такрорланг. Мабодо танангиз қуюқ жунлар билан қопланган бўлса, унда қуйидаги муолажани қилишингиз керак.

■ Қайноқроқ сув тўлдирилган ваннага тушинг ёки душ қабул қилинг. Сўнг кир совунни кўпиртириб баданингизни ишқалаб ювиниб, чайининг.

■ Баданингиз, жинсий аъзоларингиз ва оёқларингизга махсус бит ўлдирадиган воситалардан бирортасини суринг.

■ 24 соатдан кейин эса яхшилаб ювининг.

■ Бир ҳафтадан кейин эса ушбу муолажани яна қайтаришингиз мумкин.

Баъзи эркаклар боши ва баданидаги барча жунларни қириб ташлаб битдан бирданига қутуладилар. Бироқ шуни унутмангки, ҳар қандай бит йўқотадиган воситалардан фойдаланишдан олдин, қоидалари ёзилган қоғозни диққат билан ўқиб, танишинг.

Бундан ташқари, бит пайдо бўлганини сезган заҳотиёқ барча ички ва ташқи кийимларингизни, чойшаб ва ёстиқ жилдларини ювиб, сўнг яхшилаб дазмолланг.

Уйдаги юмшоқ мебеллар, каравот ва диванларга ҳам дорихоналардан олинган махсус воситалардан пуркаб чиқинг. Шунингдек, уйдаги хоналарнинг ҳаммасини қатрон қилиб, гиламларни чангютгич билан яхшилаб тозаланг.

Бироқ, майда битлар борлигига ишонч ҳосил қилганингиздан кейин, дарҳол тери-таносил касалликлари шифохонасига бориб, албатта шифокорга учрашиб, маслаҳатлашинг.

Дилдор ва Ҳамида тайёрлашди

ИШ ВА ОШХОНА ОРАСИДА...

Ҳақиқий ораста аёл ишдан уйга югуриб, уй-рўзғорнинг минг хил ташвишлари билан банд бўлса-да, ўзи учун албатта вақт ажрата олади. Ҳамиша чиройли ва кўркам кўриниш учун ишлатиш мумкин бўлган деярли ҳамма маҳсулотлар ҳар куни, ҳар бир аёлнинг қўлидан ўтади. Овқат пиширганда арчиладиган сабзавотлар, қиш учун компот тайёрлаганда зарур бўлган мевачевалар бетакрор косметик воситалардир. Уларнинг ҳар биридан озроқ-озроқ олиб косметик мақсадда фойдаланиш мумкин.

БОДРИНГНИ УНУТМАНГ!

Оила аъзоларингиз учун бодрингли салат тайёрлаётганингизда бир донасини ўзингиз учун четга олиб қўйинг. Бодрингдан бошқа ҳеч қандай восита теригизни меъёрлаштириб, оқартира олмайди.

● ***Ниқоб:*** Бодрингни майда қирғичдан ўтказиб тайёрланган бўтқани юзга суриб, 20 минутдан кейин ювиб ташласангиз ҳам бўлади. Агар тери дағал ва ёғли бўлса, ушбу бўтқага бир дона тухум оқидан қўшинг. Қуруқ тери учун икки ош қошиқ сметана аралаштириб, юзга суринг-да, 30 минутдан кейин совуқ сув билан ювинг.

● ***Косметик сут:*** 1/2 стакан сутга бир неча дона парракланган бодринг бўлакларини ташлаб, ярим соат турганидан кейин ушбу аралашма билан юзингизни артинг. Бу воситани музлаткичда 2-3 кун давомида сақлаш мумкин.

● ***Лосьон:*** Яримта бодрингни тенг миқдордаги ароқ билан аралаштиринг. Ушбу лосьонга тўртга буклангган докани ботириб олиб, 10-15 минут давомида юзингизга қўйинг. Бу муолажа ёғли териларга катта фойда беради.

КАРТОШКАЖОН-КАРТОШКА

Деярли ҳар куни таом тайёрлашда албатта картошкадан фойдаланамизу, аммо, унинг беқиёс косметик-шифо воситаси эканлигини кўпчилигимиз билмаймиз.

● ***Кўз ости "халта"ланса...*** Хом картошкани майда қирғичдан чиқаринг-да, ҳосил бўлган бўтқани икки букланган дока устига ёйиб, кўзларингиз остига босинг. 25-30 минутдан кейин олиб, юзингизни мойчечак дамламаси билан ювиб ташланг. Муолажани ҳафтада икки марта такрорланг.

● ***Шамоллаган ва қуруқшаган тери учун ниқоб:*** Қирғичдан чиқарилган хом картошкани 1:1 миқдорида ун билан аралаштиринг-да, докага қалин қилиб суриб, юзингизга босинг. Ярим соатдан кейин эса ниқобни олиб, юзингизни 1:1 миқдорида сут аралаштирилган сув билан ювинг.

● ***Ажин тушишининг олдини олиш учун ниқоб:*** Оила аъзоларингиз учун картошкадан бўтқа тайёрлаганингизда икки ош қошиғини алоҳида бир идишга солиб қўйинг. Сўнг унга икки ош қошиқ сут билан бир чой қошиқ глицерин қўшинг. Ҳаммасини яхшилаб аралаштириб, юзингизга суртинг. 15-20 минутдан кейин эса илиқ сув билан ювиб, бирорта озиқлантирувчи кремдан суринг.

КАРАМ БИЛАН ДЎСТЛАШИНГ!

Биз унча назарга илмайдиган оқ бошли карамда ҳар қандай терини ёшартириб юборадиган калий тузи, натрий, кальций, В ва С дармондорилари борлигини биласизми? Арзон ва йилнинг ҳамма фаслида топса бўладиган оқ карамнинг барглари нафақат саломатлик учун фойдали, балки косметологияда ҳам кенг ишлатиларди.

● ***Карам ниқоб:*** Карамнинг янги баргларидан бир нечтасини буғлаб, юмшатинг. Сўнг бирорта ўсимлик ёғига ботириб юзингизга қўйиб чиқинг. 20 минут турганидан кейин ниқобни олиб, илиқ мойчечак дамламаси билан ювинг.



ЁШАРТИРУВЧИ ПОМИДОР

Қип-қизил, шарбатга тўла помидор, кундалик таомларимиз рангини қизартириб, мазали қилиш билан бирга, ажойиб косметик хусусиятларга ҳам эга.

Помидорнинг серсув эти терини майин, тетик ва қайишқоқ қилади.

ЮЗИНГИЗ ТИНИҚМИ?..

Юзингизга ҳуснбузарлар тошиб, қуёшда куйишдан қолган доғлар бўлса, ям-яшил салатнинг барглари фойда беради.

● ***Салатли ниқоб:*** Салатнинг барглари сиқиб тайёрлаган шарбатга бир чой қошиқ ўсимлик ёғи ва бир дона тухум сариғидан қўшинг. Яхшилаб аралаштирганингиздан кейин 15-20 минут юзингизга суриб қўйсангиз, терингиз тиниқ ва кўркам бўлади.

ҚИШГА ҲАМ, ЮЗГА ҲАМ...

Қишга тайёрлаётган мевалардан юзингиз учун фойдаланишни ҳам унутманг. Бу мевалар табиат томонидан инъом қилинаётган ажойиб косметик воситалардир.

Қизил ва қора смородина: Агар терингиз бўшашган бўлса, бир сиқим смородина мевасини кафтингизда эзиб, юзингизга суринг. 20 минутдан кейин эса ювиб ташланг.

Малина: Бир ош қошиқ эзилган малина устига бир ош қошиқ асал солинг-да, аралаштириб, юзингизга суриб олинг. 20-30 минутдан кейин ювиб ташланг. Ёки: Малина шарбатига ботириб олинган докани юзингизга 30 минут давомида қўйиб, кейин ювасиз.

Узум: Серсув ва ширин узумларни эзиш унча қийин эмас. Уни бармоқларингиз билан эзиб, юз ва бўйинларингизга суриб, 10 минутдан кейин илиқ сувга пахтани ботириб, артиб оласиз.



ЭНГ МЕҲНАТКАШ ЖУФТЛИК...

Оёқларингиз чиройли ва келишган бўлса жуда соз. Аммо, бу уларга парвариш керакмас, дегани эмас. Оёқлар ҳамиша парваришга муҳтож бўлади. Ёзги узоқ сайрдан сўнг оёқларингиз симиллаб оғриб, товонларингиз лов-лов қизимаслиги учун турли жисмоний машқларни бажаришингиз керак. Бу машқлар эса оёқларингизни нафақат бақувват, балки, уларни янада чиройли ҳам қилади.

ҚОННИ ЮРИШТИРАМИЗ!

● Стул суянчиғига суянган ҳолда тик туринг. Оёқ учида аста кўтарилинг-да, шу ҳолатда бир минут туринг. Сўнг секин-секин аввалги вазиятга қайтинг. Бу машқни 10-15 марта бажаринг.

● Полга ўтиринг. Оёқларингизни тўғри тутган ҳолда, товонларингизни бир-бирига теккизинг. Шу ҳолда ярим минут туринг-да, сўнг танангизни бўш қўйинг. Бу машқни 15 марта такрорланг.

● Чап томонингиз билан ётинг. Ўнг оёғингизни 15 сантиметр кўтариб, бир минут тутиб туринг. 5-7 марта такрорласангиз етади. Ушбу машқни ўнг томонингизга ағдарилган ҳолда яна такрорланг.

ПОЙАФЗАЛ ҚУЛАЙ БЎЛСИН

Баъзан оёқдаги пойафзалимизни ечмасдан кун бўйи ишда, ўқишда юрамиз. Бу пайтда эса оёғимизнинг барча бўғинларига, тўқималарига оғирлик тушади. Агар оёқ кийимингиз тор ва баланд пошнали бўлса, табиийки ҳамма оғирлик оёқларингизга тушади. Шунинг учун оддий бўлса-да, ҳамиша қулай пойафзал кийганингиз маъқул.

ТОВОНДАН - ОЁҚ УЧИГАЧА!

Оёқларингиз толиқиб, дам олишга эҳтиёж сезсангиз:

● Стулга ўтиринг. Оёқларингизни полдан узиб, олдинга тортилинг-да, оёқларингизни тиззадан букиб, ёзинг. Бу машқни уч-тўрт марта қайтаринг.

● Пойафзалингизни ечиб, аввал оёқ учида, кейин эса товонингиз билан юринг. Мабодо оёқ кийимини ечишнинг иложи бўлмаса, бу машқни пойафзалда бажарсангиз ҳам бўлади.

● Оёқ панжаларингиз билан қалам ёки коптокни ердан 30 сантиметргача кўтаришга ҳаракат қилинг. Ҳар бир оёқингизни навбатма-навбат кўтаринг.

● Полга ўтириб, чап қўлингиз билан чап товонингизни, ўнг қўлингиз билан эса чап товонингизни ушлаш машқини бажаринг.

ЎҚЛОҒ БИЛАН ...

Барча машқлар ичида энг самаралиси ўқлоғ билан машқ бажаришдир. Агар бу машқни оёқ яланг ҳолда бажарсангиз янада яхши.

● Стулга ўтиринг. Оёқларингиз остига ўқлоғ қўйиб, айлантиринг. Бу пайтда ўқлоғ товонингиздан оёқ панжаларигача бориб келиши керак.

● Тўғри туринг. Ўқлоғни полга қўйиб, бор кучингиз билан босиб айлантиринг. Бу машқни аввал чап, кейин ўнг оёқларингиз билан бажаринг.

ЯНАДА КЎРКАМРОҚ БЎЛИНГ!

● Қўлларингизни ўриндиқнинг ортига тираган ҳолда стулга ўтиринг. Тиззаларингизни аста-секин букканча кўкрагингизгача кўтаринг. Шу машқни 5 марта такрорлаб, оёқларингизни туширинг. 10-15 марта бажарганингиздан кейин дам олиб, яна қайтаринг.

● Стулга ўтиринг. Ўнг оёғингизни полдан бирданига кўтариб туширинг, ўнг сўнг чап оёғингизни кўтаринг. Ҳар бир оёқни 10-15 марта кўтариб туширгач, 2 минут дам олинг-да, яна такрорланг.

● Тўғри ётган ҳолда оёқларингиз ва танангизнинг тос қисмини аста-секин кўтаринг. 8-10 марта бажаргач, дам олинг.

ТИЗЗАНГИЗНИ БУКИНГ!

● Қўлларингизга тираган қўйи полга ўтиринг. Оёқларингизни тўғриланг. Бир, деганда оёқларингизни букиб, икки деганда оёқ учларингизни ерга теккизишга ҳаракат қилган ҳолда олдинга қараб узатинг.

● Тик туринг. Аввал ўнг оёғингизнинг учида туринг. Кейин тиззаларингизни олдинга чиқариб, панжаларингиз билан полга тиралинг. Бу машқни 16 марта қайтаринг.

Саҳифани Саида ва Басира тайёрлашди

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРАСИ.



ВАТАНДИР БУ...

Оллоҳ, Оллоҳ Эранларнинг
Сўзи қолган ватандир бу.
Бўзлаб ўтган тўрғайларнинг
Бўзи қолган ватандир бу.
Юрт деб отга қамчи урган
Ўққа учган не руҳу, тан.
Кўзимга тик қараб турган
Кўзи қолган ватандир бу.
Кечиб сарҳад, уммонларни
Кўрсам-да тик иймонларни.
Кишан узган арслонларни
Изи қолган ватандир бу.
Гарчанд жаранг, гарчанд сукут...
Қон, шон билан олинган юрт.
Тишларида қурашнинг ўт,
Музи қолган ватандир бу.
Бу ер кимнинг, бу кўк кимнинг
Эгаси бор ҳар ўт, чимнинг.
Ўз ерида Ўзбегимнинг
Ўзи қолган ватандир бу.

"ИНЖУЛАР"ДАН

Талх ҳижронни ютгайман
Куйиб нома битгайман.
Сени нафақат тирик
Қабримда ҳам кутгайман.
• • •
У деб сен ҳорма энди,
Кўксингни ёрма энди.
Бемор ётди, бормадинг
Ўлганда борма, энди.
• • •
Куйиб ўз жонима озор чеккизаман мен,
Ердан униб чиқмас уруғ эккизаман мен.
Расулуллоҳ тўғрилолмай кетган дунёга,
Нечун таҳрир қаламини теккизаман мен?!
• • •
Гарчанд зоҳирим баланд, сархушман-у, қодирман
Дунё ғамларин қумдай ичимга солодурман.
Сочдан тирноғим қадар қум босмаган ерим йўқ
Мен бунда юриб турган дашти Карбалодирман.
• • •
Дўсти ёлғоним кўп, дўсти чин йўқдир,
Савт, садолар ёлғон, бир рост ун йўқдир.
Бу дунёда шунча кўп ишни кўрдим,
Энди гунг бўлмасам менга кун йўқдир.
• • •
Азал ўтдан эдим, ўтга кетсам керак,
Дўст тутиниб ёмғир, хутга кетсам керак.
Бу ерларда Оллоҳ берган ризқим териб,
Йўл сўнгида Боёвутга кетсам керак.
• • •
Водариғ, кўнглимда кун чиқмади-я,
Шаклу шамол чиқди, мазмун чиқмади-я.
Йиғласам тоғ, тошлар ҳўнграб қўшилди,
Бу тош одамлардан ун чиқмади-я.
• • •
Мен кетганда дерлар: "Кетди, бахт, йиғи кетди,
Бу дунёнинг бир қиличи, бир тиғи кетди".
Ҳеч кимга дил ёролмадим. Десалар маъқул:
"Дунёдан яна бир сирлар сандиғи кетди".
• • •
Тошлардан бўлсам-да майда-майда ман,
Ишонавердим-а қайта-қайта ман.
Сир айтдим. Одамлар кўру, кар ўтди,
Энди бир Оллоҳга сирим айтаман.
• • •
Эй дунёи ғамбода, бодангдан қуй, сипқорай,
Энди сенга демасмен: "Маслаҳат бер, дил ёрай".
Сенга қачон дил ёрсам, ёригига туз сепдинг,
Мум тишладим. Энди мен маҳшаргача жим борай.
• • •
Дили озор, дили тошга келмасмиз,
Тупроққа келгаймиз, ошга келмасмиз.
Бу беш кунлик ҳайит. Ҳайитлаб улгур,
Биз ҳайит кунларга бошқа келмасмиз.
• • •
Дилсизга сув ҳам дард айтмас ҳеч қачон,
Дарё дегил, дема тик, паст ҳеч қачон.
Мен ҳеч қачон ортга қайтолмагандай,
Бу дарё ҳам ортга қайтмас ҳеч қачон.

МЕН БИР КУНИ

Мен бир куни
Ташлаб кетаман
Бўз либосим, сийму заримни
Қор ивитар,
Шамол варақлар
Ортда қолган дафтарларимни.
Гарчанд тишга босиб тишимни
Ўз елкамдан ўзим босиб тек
Гунгдай кетдим
Сўнг бекатгача.
Лек ортимда қолган шеърларим
бу дунёнинг
ёлғонларидан
қаҳ-қаҳ урар қиёматгача.

БОЁВУТДА...

Онам Қаршигул Хонназар қизи хотирасига

Кундан-кунга
Бўлдим унга зор
Қолди кўнглим гиряларида
Энди онам ҳасратлари бор
Боёвутнинг дарёларида.
Энди ёшим
ўтгани сайин
нолам узун кўнглим қаърида
Онам ивиб ўтиргандайин
Боёвутнинг ёмғирларида.
Сарғаяман. Кузда... Тошканда
Онасизлик озорларидан
одам нархи арзонлашгандай
Боёвутнинг бозорларида.
Оташкада,
ёнадир кўксим
куйдиради армонлар, чўғлар.
Энди мендай, аёлдай ўксиб
Боёвутда шамоллар йиғлар.

Боёвутда сал оламан тин
Ўчираман кўнглим ўтини.
Онам бериб кетди деб "сиғин"
Ўзи ётган Боёвутини.

ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН

ЕТКУРМА

Эгри қўлни шамга еткурма,
Бир хотири жамга еткурма.
Ким чин ошиқ эрмаскан уни
Ишқ ила карамга еткурма.
Макон берма тош кўнгилларга,
Тошканду, Сайрамга еткурма.
Иблис қўлин калта қилгайсен
Қиличга, найрангга еткурма.
Бахтни оёқ ости қилганни
Мангу бахт, байрамга еткурма.
Нуҳдай ютди қувонч, оҳимни
Кўзларини намга еткурма. Оллоҳ,
Оллоҳ бош паноҳимни-
Мавлонони ғамга еткурма.

ЧАҚИРИБ ОЛАМАН...

Чақириб оламан, қаттиқ чорлайман
Кетганлар йўлларин буриб келади.
Қачонлардир қуриб қолган дарёлар
Қайтадан фаввора уриб келади.
Қашқирлар уюри кўзичоқлардай
Этагимга тумшуқ суриб келади.
Букилиб, йўқликка кетаётганлар
Ғозланиб, қайта бел сириб келади.
Чақириб оламан,
Қаттиқ чорлайман
Тирик дўстларим банд,
Ғоят банд, баъзан.
Гўрдаги дўстларим, туриб келади.
Ҳокисор жилмайиб Муҳаммад Юсуф
Шавкат Раҳмон томоқ қириб келади...
Улар тирикларнинг ўрнин билдирмай
Эшигимдан бир-бир кириб келади...
Чақириб оламан...

ОТА ҲОВЛИМ - ҚЎРҒОНИМ

Анор офтоб ёққа юз бурган
Шафтолисин гули ним пушти.
Сен отамнинг юзини кўрган
Сенга онам излари тушди.

Ота ҳовлим, қўрғоним ҳовлим,
Жондан азиз кўрганим ҳовлим.
Айвонлари иссиқ, аёвлим
Ёдга отам сўзлари тушди.

Аввал отам кетди тобутда,
Кейин онам ўтди булутдай.
Ўтирсам-да, сиртим сукутда,
Ичим ёнди, бўзлади, тушди.

Ҳовлидаги бир ариқча сув
Ариқчага йиғладим дув-дув.
Эридими, билмадим, ёҳу,
Сувга ёшим тузлари тушди.

Боғдан отамнинг саси келди,
Уйдан онамнинг иси келди.
Музтарим келди, мунисим келди
Ёдга онам кўзлари тушди.

Эсга тушди қирда, қияда
Юрганлари отда, туяда.
Сўнг... ғингиллаб офтоб рўяда
Ип йигирган кезлари тушди.

Ота ҳовлим, қўрғоним ҳовлим,
Жондан азиз кўрганим ҳовлим.
Айвонларга иссиқ, аёвлим
Ёдга онам кўзлари тушди.
Ёдга отам сўзлари тушди,
Дилнинг соғинч, музлари тушди.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 836. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 12108
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — С. ФАХРИДДИНОВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 3 4 5 6